O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2010-yil 10-mart, chorshanba ● № 11 (663) ● 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ● e-mail: hurriyat@doda.uz ● www.uzhurriyat.uz

ЙЎЛЛАРИ РАВОН ЮРТ

Қадимги Буюк ипак йўли ўрнида бунёд этилган М-39 миллий ўзбек магистрали ҳам Бойсун ҳудудидан ўтган. Шунинг ўзи туман йўлсозлари зиммасидаги вазифа ниҳоятда залворли эканидан далолат беради.

⇨ 5-бет

ҲАЁТИМИЗ ЧИРОҒИ, УМРИМИЗ ГУЛИ

Истиқлол туфайли аёлнинг жамиятдаги мавқеи юксалди. Мустақилликнинг илк кунлариданоқ Юртбошимиз хотин-қизларимизнинг жамиятдаги мавқеини ошириш, оиладаги фаолиятини яхшилаш борасида қатор фармонларга имзо чекдилар.

⇨ 7-бет

«НАВОИЙ НАВОСИДАН БАҲРА ТОПИБ...»

Ўзбек мумтоз адабиёти тарихида ўн бешдан зиёд жанрда салмоқли асарлар яратиш бахти Навоийга ҳам, Огаҳийга ҳам насиб этди. Навоий ва Огаҳий том маънода олим ва донишманд ижодкорлар бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз даври илмий тафаккурини турли фанларга оид орифона қарашлар билан бойитдилар.

⇨ 8-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

■ **8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табриги йўллади.**

"Туркистон" саройида бўлиб ўтган тантанали йиғилишда Юртбошимиз табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Тадбирда Президентимиз қарорига мувофиқ адабиёт, санъат, фан, таълим, маданият соҳаларида эришган алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган бир гуруҳ қизларга ана шу юксак мукофотлар тантанали равишда топширилди.

■ **4 март куни Оқсаройда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Қозоғистон Республикаси, Туркия Республикаси ва Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчилари этиб тайинланган — Борибай Жексембин, Меҳмет Сертач Сунмезай ва Чон Дэ Ван ишонч ёрлиқларини топширди.**

■ Германиянинг Нижний Нойендорф шаҳри маданият марказида мамлакатимизнинг Берлиндаги элчихонаси кўмагида "Буюк ипак йўли афсоналари: Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари" мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

ТАРАДДУД

ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАР...

Дилмурод ота бугун ҳар қачонгидан барвақт уйғонди. Ҳовлига чиқиб тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олди. Димоғини ажиб бир ҳид қитиқлаганидан вужуди титраб кетди. Қўлидаги сочиқ билан юзини арта-арта ҳовлининг адоғига борди. Кузда шудгор қилиб қўйилган анғор оралаб, кесакларни тепиб-тепиб кўрди.

"Ҳа, ер экишга тайёр бўлибди, мавсум бошланибди", — деб ўйлади у. Сўнг қўлига бир сиқим тупроқни олди-да ҳидлаб кўрди. Тани яйради, вужуди энтикди. "Баҳор келди, барчамизни соғинтирган гўзаллик фасли — баҳор келди", — Дилмурод ота қўлини қоқиб-қоқиб, кўзи қувнаганча уйга кирди. Тахмонда турган чакмонини олди-да, хотинининг "Ҳой, чой ичиб олинг", — дейишига ҳам қарамасдан кўчага чиқиб кетди. Аёли эрининг бу ҳаракатларини тушунмади.

Орадан бир чойгум чой қайнагулик вақт ўтиб-ўтмай, Дилмурод ота қўлида бозордан сотиб олган турли мевали дарахтларнинг кўчатларини кўтариб, уйига кириб келди. Нонушта қилиб ўтирган ўғиллари ва келинларига ёв қараш қилиб қўйди-да, невараси Султоналига омбордан белкуракни олиб чиқишини буюрди. Ўзи эса кўчатларни кўтариб, ҳовли адоғига борди. Ортидан белкуракни кўтариб келган неварасига ўтган йили экилган ўрик дарахтидан беш-олти қадам берини кўз қири билан кўрсатиб, чуқур қазишини айтди. Ўзи эса токқайчи билан ниҳолларнинг қийшиқ, кераксиз шохларини кеса бошлади. Бу орада Султонали чуқурни қазиб бўлди. Кейин бобо ва набира биргалашиб ниҳол экишга киришишди. Шунда невара бобосидан сўраб қолди.

— Бобо, нега ҳар йили ниҳол экаверасиз. Бу иш жонизга тегмайдими?

Дилмурод ота неварасининг болаларча берган бу саволидан мамнун бўлиб, жилмайганча жавоб берди.

— Дарахт экиш, боғлар яратиш ота-боболаримиздан қолган азалий одатларимиздан. Неча асрларки, фарзанд туғилганда терак экиш, кўчат ўтқазишдек ибратли анъана эл орасида яшаб келади. Ниҳол кун ўтиб дарахт бўлади. Дарахт эса ҳаёт, эзгулик рамзи. Дарахт экқан ҳеч қачон кам бўлмайди, болам. Ўзинг соҳибқирон Амир Темур бобонинг қанчалаб боғ-роғлар яратганини китоблардан ўқигансан-ку. Ҳазрат Алишер Навоийнинг бу борадаги хайрли ишларини таърифлашга тил ожиз. Кўчат экқан, боғ қилганларнинг номи эл-юрт тилида, дилида қолади. Муборак ҳадисларда "Қиёмат куни бўлса ҳам, қўлида бир ниҳоли бор одам уни эксин" дейилган болам.

Бола бобосининг жавобини яхши англолмади, шекилли, худди катталардек ўйланиб қолди. Кейин: "Энди мен ҳам ҳар баҳорда ниҳол экаман", деб кўнглига тугиб қўйди.

Шу тариқа бобо ва набира бир кунда олма, беҳи, тут, гилос, ўрик, шафтоли сингари 20 туп мевали ниҳол экди. Улар учун бу кун хайрли ва ибратли ўтди.

* * *

Бугун мамлакатимизнинг тупроқ-иқлим ҳамда минтақа шароитини ҳисобга олиб, манзарали боғдорчиликни ривожлантириш, кўчат етиштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Юртимизни янада обод қилиш йўлида жойларда кўчатлар экилиб, аввал экилганлари парвариш қилинмоқда. Бунда 2006 йилнинг 11 январида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов имзо чеккан «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарор дастуриламал бўлмоқда. Қарорга кўра, республикамизда манзарали ўсимлик кўчатларини кўпайтириш, уларни ўстиришнинг илмий асослари, истиқболли технологиялари ҳамда сертификатлаш ва стандартлаштиришнинг ягона тизими ишлаб чиқилган. Бундан ташқари, мамлакатимиздаги мавжуд мева-сабзавотчиликка ихтисослашган 50 мингдан ортиқ фермер хўжалигининг 12 мингтаси узумчилик, 14 мингтаси боғдорчилик, 3 мингтаси тутчилик ҳамда 21 мингтаси сабзавотчилик билан шуғулланади.

Дарахт эккан, боғ яратган ҳеч қачон кам бўлмайди. Ҳа, ўзининг онгли мавжудот эканини ҳис қилган ҳар бир инсон ниҳол экишга, уни парвариш қилишга ошиқади. Зеро, эзгу ишлар, албатта, бир кун ўз самарасини беради. Халқимизда яхшидан боғ қолади, деган мақол бежиз айтилмаган.

Ислом СУЛТОНОВ,
"Hurriyat" мухбири.

Газета «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам тарқатилади.

«НАВРЎЗ — 2010»

Кўкламнинг кўнгилдаги кулгуси

Барчамиз доимо орзиқиб кутадиган ва катта хурсандчилик, шодиёна билан ўтказадиган Наврўз байрами биз учун ҳаёт абадийлиги, табиатнинг устувор қудрати ва чексиз саховатининг, олижаноб урф-одатларимизнинг бетакрор ифодаси бўлиб келмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида янгиланиш ва эзгулик тимсоли бўлган байрамимизга ана шундай таъриф берилган. Дарҳақиқат, Наврўз фалсафаси элимизга мансуб одамийлик, меҳр-оқибат, мурувват ва ҳиммат каби юксак фазилатлардан озиқланиб келгани, аждодларимиз асрлар давомида қандай буюк умуминсоний ғоялардан баҳраманд бўлиб, маънавий камол топганининг яна бир тасдиғидир.

Наврўз мустақиллик боис қайтадан қаддини тиклади.

Маълумки, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг тафаккури, турмуш тарзи, маънавий қарашлари ўз-ўзидан, бўш жойда шаклланмайди. Уларнинг вужудга келиши ва ривожланишида тарихий, табиий ва ижтимоий омиллар асос бўлади. Наврўз ҳам ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ва инсониятнинг илмий-бадиий тафаккури даражасига кўра доимо бойиб, баъзан эса айрим жиҳатларини ўзгартириб келган.

— Ҳаётга муҳаббат, бунёдкорлик, меҳр-мурувват, тинчлик, ватанпарварлик ва қут-барака рамзи бўлган Наврўз айёми қадим замонлардан юртимизда кенг нишонлаб келинади, — дейди фольклоршунос олим, филология фанлари доктори, профессор Маматқул Жўраев. — Турли даврларда ижтимоий гуруҳлар, синфлар манфаатлари нуқтаи назаридан Наврўзга нисбатан ҳар хил аралашувлар ҳам бўлган.

2 »

ТАНЛОВ ДАВОМ ЭТМОҚДА!

ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ОЛТИН ҚАЛАМ» V МИЛЛИЙ МУКОФОТИ

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позициясини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадида «Олтин қалам» V Миллий мукофоти учун халқаро танловни ўтказади.

3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бу танловга 2009 йилнинг 31 мартидан 2010 йилнинг 31 мартигача — бир йил давомида газета ва журналларда босилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2010 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.



Танлов ғолиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:

журналистика соҳасида бош миллий мукофот. Ғолиб махсус диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

Асосий мукофотлар:

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение — 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио — 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (даврий матбуот — 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (интернет-журналистика — 1-, 2-, 3-ўринлар).

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Рағбатлантирувчи мукофотлар доирасидаги номинациялар:

— журналистика ривожига қўшган ҳиссаси учун;

— фаол фуқаролик позицияси учун;

— ижтимоий-сиёсий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;

— ижтимоий-иқтисодий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;

— «Баркамол авлод йили»га бағишланган энг яхши материал учун;

— маънавий-маърифий мавзудаги энг яхши материал учун;

— ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги энг яхши материал учун;

— энг яхши журналистик текширув учун;

— мураккаб шароитларда (фавқулодда вазиятлар, атроф-муҳит ва экология муаммолари) тайёрланган энг яхши репортаж учун;

— энг яхши режиссёрлик иши учун;

— энг яхши матбуот хизмати;

— энг яхши фоторепортаж учун;

— энг яхши карикатура учун;

— чет эллик журналистнинг Ўзбекистон тўғрисидаги энг яхши материали учун.

Рағбатлантирувчи номинациялар бўйича ғолиблар диплом, статуэтка ва энг кам иш ҳақининг 80 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Шунингдек, қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ҳам ўз рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган.

Танловга теле, радио, босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, 3 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Радиоэшиттиришлар (аудиокассета ёки системали диск) 5 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Матбуот ва интернет материаллари даврий нашрнинг асл нусхаси ёки кўчирма нусхасида тақдим этилиши лозим.

Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилинади:

— муаллифнинг исми, шарифи, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;

— муаллифнинг турар жойи, уй ва иш телефонлари;

— паспорт нусхаси.

Танлов ғолибларини мукофотлаш маросими Жаҳон матбуоти эркинлиги куни 2010 йил 3 майда тантанали равишда ўтказилади.

Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.

Материаллар «Олтин қалам» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга жўнатилиши лозим:

Ўзбекистон Республикаси, 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси 3-қават, 30-, 35-, 37-хоналар Телефонлар: 244-64-61; 244-64-62; 244-37-87.

www.journalist.uz

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

Кўкламнинг кўнгилдаги кулгуси

(Бошланиши 1-бетда.)

Мустақилликка эришганимиздан сўнг давлатимиз раҳбари ташаббуси билан аждодларимизнинг унут бўлиб кетаётган бебаҳо қадриятларини қайта тиклаш, уларга янгича маъно ва мазмун бахш этиш, Наврўз байрами билан боғлиқ маросим, урф-одат ва анъаналарни, бу жараёнда яратилган халқ оғзаки меросини асраб-авайлаш ва келажак авлодларга асл ҳолича етиб боришини таъминлаш билан боғлиқ кенг кўламли ишлар амалга оширилгани ўзининг юксак самараларини бераётир.

— Шундай замонлар ҳам ўтдики, — дейди Қорақалпоғистоннинг Тўрткўл туманида яшовчи 130 ёшли онахон Тўти момо Юсупова. — Бу байрамни биздан олмоқчи, Наврўзни ёдимиздан ўчирмоқчи бўлдилар. Ўшанда одамларни чалғитиш учун турли тадбирларни ўйлаб топдилар. Юртбошимизга минг раҳмат — Наврўзимизни қайтариб берди.

Чиндам ҳам Истиқлол насимлари умуммиллий байрамимизни нишонлашга қарши қаратилган барча ғов ва тўсиқларга барҳам берди. Ўзбекистон мустақиллиги арафасида Президентимиз Ислом Каримовнинг жасоратли саъй-ҳаракатлари туфайли миллий байрамимиз ўзимизга қайтди — 1990 йилнинг 2 майида «Наврўз халқ байрамини ўтказиш якунлари тўғрисида»ги тарихий ҳужжат имзоланди. Бу фармоннинг аҳамияти шундаки, унда аввало Наврўзнинг тикланган, буни юртимизнинг бутун аҳолиси мамнуният билан маъқуллаб, кўтаринки руҳда кутиб олгани таъкидланади. Ана шундан буён Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳар йили 21 март дам олиш куни — Наврўз байрами куни сифатида кенг нишонланади.

Наврўзнинг байрам қилиниши теран халқ анъаналари, ерга ва табиатга эҳтиром-



ётқорлик билан муносабатда бўлиш, деҳқон меҳнатини эъзозлаш, одамларнинг тинчликка ва яхши қўшничиликка, меҳр-мурувватга ва бошқаларнинг дардига малҳам бўлишга интилиш мужассам экани унинг тикланиши учун қудратли омил бўлди. Наврўзнинг инсоний ва байналмилал моҳияти ҳам ана шундадир.

Наврўз юртимизда азалдан халқ хоҳиш-иродасига кўра, оммавий сайил сифатида нишонлаб келинган. Ушбу улуғ айём муносабати билан ҳар гал халқ сайилга чиққан. Бахшилар айтишуви, лапарлар, ҳазилмутойиба, қўшиқлар, халқ термалари, аскиячилар пайрови янграган. Дорбозлар, масхарабозлар, қўғирчоқбозлар ўз санъатини намойиш этган. Ишқибозлар бир чеккада қўчқорлар жангига, бошқа бир қурда хўроз уриштириш томошаларига тўпланганлар.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида қайд этилганидек, Наврўз баҳорнинг эттириш ҳамда ривожлантириш, асрлар давомида шаклланган урф-одатлар ва удумларни эъзозлаш мақсадида Наврўзни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаш яхши анъанага айланди.

Истиқлол туфайли Наврўз юртимизда наинки қайта қарор топди, айни чоғда изчил ривожланди, такомиллашди, мазмун-моҳияти бойиб борди ва эзгулик билан йўғрилган янги қирралари янада сайқал топди. Бир сўз билан айтганда, бугун Наврўз халқимиз эминэркин, шод-хандон нишонлайдиган азиз айём, элимизнинг оммавий сайли сифатида тамомила янги руҳ, ўзгача тароват касб этди.

Наврўз байрами билан боғлиқ кўплаб удумлар мавжуд. Ариқ-зовурлар тозаланиб, янги боғлар барпо этиладиган ҳашар, йилбоши арафасида нишонланадиган «қозон тўлди» удумлари шулар жумласидан. Бироқ кўкламни гулу райҳонларнинг, янги кўз очган чучмаю лолақизғалдоқларнинг атри-бўйларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис ушбу бебаҳо байрамимиз билан боғлиқ қадриятлар таркибида гул сайиллари алоҳида ўрин тутади.

Ёмғир ёғдириш, шамол чақириш ва уларни тўхтатиш, эрта баҳорда далага қўш чиқариш, дон экиш ва чорвачилик билан боғлиқ халқ қўшиқлари ҳам азал-азалдан икки дарё оралиғида деҳқончилик қилиб, ушбу йўналишда ўзига хос маданият дурдоналарини мерос қолдирган аждодларимизнинг инсоният цивилизацияси ривожидаги бемисл ўрнидан далолатдир.

Ҳа, Наврўз йилбоши ва баҳор байрами, келаётган янги меҳнат мавсумининг баракали, фаровон ва серфайз бўлишига тилак билдириш ҳамда ёвуз кучлар йўқлик қаърига чекиниб, эзгулик тантана қиладиган кундир. Наврўз байрамининг айнан кўкламги тенгкунликда, қиш ва баҳор алмашишида, бутун борлиқ уйғонадиган фароғатли дамда тантана қилинишининг муайян табиий-илмий асослари бор, албатта.

Фольклоршунос олимларнинг тадқиқотларидан маълум бўлишича, Абу Бакр Наршахийнинг "Бухоро тарихи" асарида Наврўз байрами ўлкамизда неча минг йил давомида узлуксиз нишонланиб келаётганлигини тасдиқлайдиган муҳим далиллар келтирилган: «Варашха — катта қишлоқлар жумласидан бўлиб, Бухоро шаҳридан қадимийроқдир. Бу қишлоқда ҳар ўн беш кунда бир кун бозор бўлади, йилнинг охирида эса йигирма кун бозор қилиб, йигирма биринчи куни Наврўз — янги йил байрамини ўтказадилар. Буни «наврўзи кишоварзон» — «деҳқонлар наврўзи» дейдилар. Бухоро деҳқонлари йил ҳисобини ўша кундан бошлайдилар ва бунга эътибор берадилар».

«Бухоро тарихи»да Наврўз байрамининг ёши тўрт минг йилдан ортиқроқ эканлигини исботлайдиган ғоят муҳим далил ҳам бор. Наршахий бухороликларнинг кўҳна удумларидан бири хусусида ҳикоя қилар экан, бу гаплар бўлиб ўтганига ҳозир уч минг йилдан ортиқроқ вақт ўтди, деб ёзади.

Агар хассос муаррих "ҳозир" деганида ўзи яшаган X асрни назарда тутганлигини, ўша замондаёқ Наврўзи олам "уч минг йилдан ортиқроқ" ёшга кириб қолганлигини эътиборга олсак, минг йиллар оша халқимиз маънавий дунёсини бойитишга хизмат қилиб келган бу фусункор шодиёна ўлкамизда қадимдан кенг нишонлангани аён бўлади.

Бу байрам ерни севишга, меҳнатни қадрлашга, кўклам мўъжизаларидан лаззатланишга, ҳаётнинг боқийлигига имон келтиришга ўргатади. Наврўз эски йил тугаб, янгиси бошланадиган, деҳқон умид билан ерга барака уруғи қадайдиган, чўпон қўй-қўзиларини ям-яшил ўтлоққа ёядиган саодатли кундир.

...Кўнгилга хуш ёқувчи кўклам еллари қишнинг заҳрини олиб қочди. Куртак чиқараётган дарахтлар табиат уйғонганига далил. Наврўз ила ҳар бир қалбга эзгу нур кирганини барглар чапак чалиб олқишлаётир. Ёшлар юрагини ажиб сурур чулғаган. Шу хандонга гувоҳ пиру бадавлат отахонлар шукрона келтираётир...

Озод РАЖАБОВ,
ЎзА шарҳловчиси

Оила таянчи, эзгулик ва фидойилик тимсоли

«Оқила, гўзал аёллар ўзларининг ғамхўрлиги, меҳрибонлиги, қалби дарёлиги билан оиладаги, қолаверса, бутун жамиятдаги мувозанатни, поклик, ҳалоллик, самимият ва адолат муҳитини сақлаб турадилар».

Ислом КАРИМОВ

Истиқлолга эришган дастлабки йилларданоқ юртимизда хотин-қизлар масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилгани эътиборга моликдир. Бошқа давлатларнинг хотин-қизлари ҳаёти билан танишиб, юртимизнинг энг фаол аёллари билан суҳбатлашганимизда амин бўламизки, дунёда Ўзбекистондагидек она ва бола ҳақ-ҳуқуқлари ҳимояланган мамлакат йўқ.

Қолаверса, бизнинг аёллар азал-азалдан жонкуяр, фидойи, меҳнаткаш. Улар фарзандларининг униб-ўсиши, хонадонининг хотиржамлиги учун кўлидан келган ҳамма ишни қиладилар. Шунингдек, оиласидан ортиб, юрт корига ярашга ҳам енг шимаришади. Чунки тиришқоқлик, оқилалик, бағрикенглик сингари фазилатлар уларга момоларидан мерос қолган.

Ер юзида содир бўлаётган глобаллашув жараёни барча аёллар қаторида мамлакатимиз хотин-қизларини ҳам бирмунча тезкорлик ва изчиллик билан меҳнат қилишга, кенг миқёсда тафаккур этишга ундамоқда. Дунёдаги бирор давлатдан ортиқ бўлса, ортикки, кам бўлмаётган юртимиз хотин-қизларининг саъй-ҳаракатларига гувоҳ бўлган немис сиёсатшуноси Питер Шоль-Латур айтган экан: "Агар мен ўзбекистонлик хотин-қизлар ҳақида гапирадиган бўлсам, бу юрт ўзининг келгуси тараққиётига жуда катта умидлар боғлашга ҳақли, дея оламан. Назаримда, буюк француз шоири Луи Арагоннинг "La femma este lavenir de lhomme" деган шеъридаги ғоялар бу ерда — икки дарё оралиғида — аллақачон рўёбга чиқмоқда".

Республика хотин-қизлар қўмитаси берган маълумотларга кўра, мамлакатимизда биргина аёллар ҳуқуқини ҳимоя этишга йўналтирилган 200 дан зиёд жамоат ташкилоти мавжуд. Хотин-қизлар ҳуқуқий савиясининг ошиб бораётгани уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигининг ўсишига олиб келмоқда. Ҳозир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайланган депутатларнинг 22 фоизи, яъни 33 нафарини аёллар ташкил этади. 2004 йилда улар 17,5 фоиз, яъни 21 нафардан иборат эди. Юртимиздаги мавжуд сиёсий партия аъзолари сафида бугун 36 фоиздан 50 фоизгача хотин-қизлар фаолият юритмоқда.

"Аёлларимиз ижтимоий-сиёсий фаоллигининг ортаётгани шунда кузатиладики, — дейди республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Гулнора Маъруфова. — Фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органлари раислари (оқсоқоллари) сайловларида аёлларнинг ҳам номзодлари кўрсатилиб, улар маҳалла фуқаролар йиғинларининг раисалари этиб сайланмоқдалар. Айтайлик, 2006 йилда раисликка сайланганларнинг 981 нафари аёлларни ташкил этган бўлса, 2008 йилда бу кўрсаткич 1160 нафарга етди. Ана шу миқдорнинг ўзи ҳам аёлларимиз фаоллиги йилдан-йилга ортаётганидан, улар халқимизнинг катта-кичик юмушларига камарбаста бўлаётганларидан далолатдир. Бугун оддий қишлоқ аёлларининг маънавияти ўн йил илгариги аёллар дунёқарашидан анча фарқ қилади. Маҳаллалардаги маънавият ишлари бўйича маслаҳатчиларнинг кузатишларича, бугунги қишлоқ аёлларида дадиллик, фаоллик, ишбилармонлик хусусиятлари ортган".

Республика Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятининг асосий вазифаларидан бири ҳудудларда ишсиз аёлларга янги иш ўринларини ташкил этишда кўмаклашишдан иборат. Қўмита бу борада эътироф этишга арзигулик ишларни амалга ошириб келмоқда. Янги иш жойларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш ҳудудий дастурлари бўйича 2009 йил давомида хотин-қизлар учун 403 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилгани қувонарли ҳолдир. Уларнинг 176 мингтаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига тўғри келади. Шунингдек, қўмитанинг саъй-ҳаракати туфайли Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига қарашли Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси томонидан тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш учун 8,6 миллиард сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. Улар асосан, кичик бизнес ва касаначиликни ривожлантиришга йўналтирилди.

Ўтган йили бандликка кўмаклашувчи марказларга иш сўраб мурожаат этган 295 минг нафар аёлнинг 249 минг нафардан кўпроғи ишга жойлаштирилди. Қолганлари вақтинчалик жамоат ишларига жалб этилди, бир қисми касбга йўналтириш бўйича ўқишга юборилди ёки ишсизлик нафақаси тайинланиб, ижтимоий ҳимояга олинди.

Маълумки, қишлоқларимизда уй-рўзғор ишларидан ажралмаган ҳолда ўз оиласининг иқтисодий таъминотига ҳисса қўшаётган, қўл меҳнати билан турли маҳсулотлар ишлаб чиқараётган хотин-қизларимиз кўпчиликни ташкил этади. Қўмита аъзолари ана шундай аёллар фаолиятини ҳам ўрганиб чиқиб, уларнинг ўз маҳсулотларини республика миқёсида тарғиб этишларига яқиндан ёрдам бермоқда. Масалан, Хоразм вилояти Янгибозор туманида оддий касаначи бўлиб иш юритаётган Муқаддас Воисова ўтган йили туман хотин-қизлар қўмитасининг ёрдами билан миллий услубда тиккан кўрпа-тўшакларини республика кўргазма-савдосига қўйди. Кўргазма Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси томонидан, республика "Микрокредитбанк" ва Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ўтказилди. "Қўли гулдир ўзбек аёлин" деб аталган бу тадбирда Муқаддасга ўхшаган 224 нафар ҳунарманд қиз-жувон иштирок этди. Муқаддас бу ерда ўзининг қатор буюртмачиларини топди. У иккинчи бор ташкил этилган кўргазма-савдода иштирок этгач, маҳсулотларига бўлган талаб эътиборга олиниб, республика "Ҳунарманд" уюшмасига имтиёзли тарзда аъзоликка қабул қилинди.

Бундан илҳомланган Муқаддас Воисова иш режасини яна кенгайтириб, банкдан кредит олди. Эътибор беринг-а, ўз маҳалласидан нарига ўтолмай, тор доирада тикувчилик қилаётган ҳунармандниг маҳсулотлари кўмитанинг ёрдами билан республика бўйлаб тарқалса!

Бугунгача Муқаддасга ўхшаган яна ўнлаб аёллар 3 миллион 100 минг сўмлик бадалдан озод этилган ҳолда, "Ҳунарманд" уюшмаси аъзолигига қабул қилинди. Хотин-қизлар қўмитаси ана шундай катта ва хайрли ишларга ўзининг муносиб улушини қўшаётгани ҳар қандай одамнинг кўнглини кўтаради.

Келажак авлод баркамоллигини ҳамда туғиш ёшидаги аёлларнинг жисмоний-руҳий соғлиғини таъминлашга қаратилган репродуктив саломатлик дастурининг аҳамиятини тарғиб этишдек муҳим вазифа ҳам биз сўз юритаётган қўмита аёллари зиммасида. Бу борада улар Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Касаба уюшмалари республика федерацияси сингари нуфузли ташкилотлар билан ҳамкорликда иш кўрадилар.

Репродуктив саломатлик соҳаси қизларнинг балоғат, аёлларнинг туғиш ёшидаги соғлиғини бу даврларнинг психологик хусусиятлари билан узвий боғлиқликда ўрганади. У жувонларнинг ўз саломатликларини оиланинг иқтисодий, маънавий-руҳий ва бошқа жиҳатларига таяниб, туғишни режалаштиришларини, кундалик хатти-ҳаракатларини ҳамиша назоратга олишларини тавсия этади. Репродуктив саломатликда ҳар икки жинс вакилларининг соғлиғи инобатга олинади. Лекин аёлларда туғиш даври маълум ёш билан чекланган, қизлар организмининг балоғат давридаги муҳим хусусиятлари эътиборга олиниб, репродуктив саломатликка оид тарғибот ишлари кўпроқ нозик жинс вакилларига қаратилади. Айниқса, қиз бола наслимизнинг давомчиси бўлгани боис уни эҳтиётлашни бежиз таъкидламайдилар.

Алломалар бисотида шундай нақл бор: "Аёлга муносабат — номус, шарм-ҳаё, одоб, олижаноблик нинг энг нозик ўлчови, у қалбларда меҳр-муҳаббат ундиришнинг олий мактабидир".

Демак, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтишга интилаётган юртимизда хотин-қизларга муносабат олижаноблик нинг шарқона қадриятларимизга уйғунлашган баланд мезонларида намоён бўлмоқда. Бундан баҳра олаётган республика Хотин-қизлар қўмитасининг каттагина жамоасини келажакда янада улуғ ишлар кутаётгани шубҳасиздир.

Мамлакат НОРМУРОДОВА,
Гўзал НОРЧАЕВА

Тантанали кузатиш

Нукус шаҳрида Ўзбекистон Қуролли Кучлари сафига Ватан олдидаги бурчини ўташ учун кетаётган йигитларни тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Мудофаа ишлари бўйича бошқармаси масъул ходимлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раҳбарлари, ота-оналар ва кенг жамоатчилик вакиллари қатнашдилар.

Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари К.Абдужалиев иштирок этди ва армияга жўнаб кетаётган йигитларга Ватан олдидаги ўз фарзандлик бурчларини намунали бажаришда муваффақиятлар тилади.

Ғойиб ЁҚУБОВ,
"Ниггіуат" мухбири.

Бозор қиёфаси ўзгармоқда

Хазорасп буюм бозори нафақат Хоразм воҳасида, балки мамлакатимизда ўз ўрни ва мавқеига эга бўлган йирик савдо масканларидан бири. Юртбошимизнинг бозорлар фаолиятини ривожлантиришга оид қатор фармонлари, ҳукумат қарорлари асосида кейинги даврда бу бозорни обод қилиш юзасидан кўламдор ишлар қилинди. Хусусан, тадбиркорлар, сотувчилар ва харидорларга қулайлик яратиш мақсадида ҳар қайсиси 500 ўринли 2 та янги бозор қурилиб ишга туширилди. Шунингдек, бозор ҳудудини тезкорлик билан чиқиндилардан тозалаш учун 2 та трактор сотиб олинди.

— Жорий йилда бу ишларни изчиллик билан давом эттирамиз, — дейди бозор бошқаруви раиси Собиржон Хўжаназаров. — Шу мақсадда 500 миллион сўмлик таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Тузалбой РАҲИМБОЕВ,
"Ниггіуат" мухбири.

Суғурта бозори жадал ривожланмоқда

Суғурта бозори мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминловчи муҳим омиллардан ҳисобланиб, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ва иқтисодиётга инвестицияларни жалб этишда алоҳида ўрин тутади.

Маълумотларга қараганда, 2009 йил давомида республикамизда фаолият юритаётган 30 та суғурта компанияси, битта қайта суғурталаш компанияси, 3 та суғурта брокерлари, битта актуар ташкилот ва суғурта ассистанси хизматларини кўрсатувчи камида 5 та компания суғурта компаниялари томонидан умумий миқдори 142,7 млрд. сўмлик суғурта мукофотлари йиғилган. Йил якунига қадар 14,4 млрд. сўмлик суғурта тўловлари амалга оширилган. Мазкур кўрсаткич бир йил аввал амалга оширилган тўловлардан 28,4 фоизга кўпдир. Бу кўрсаткичлар юртимизда суғурта хизматларининг рақобат бозори янада ривожланганидан, суғурта фаолиятининг замонавий турларини такомиллаштириш ва сифатини ошириш борасида салмоқли ишлар қилинганидан, мижозларнинг суғуртага бўлган эҳтиёжи ва имкониятлари ортганидан, суғурталовчилар томонидан таклиф этилаётган хизмат турлари йил сайин кенгайиб бораётганидан далолат беради.

Азиз БОЛТАБЕКОВ,
Тошкент молия институти талабаси.

Замонавий корхоналар

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан барпо этилаётган НЭИИЗнинг ташкил этилиши жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, қўшимча иш ўринларинг яратиш, аҳоли фаровонлигини янада юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади. Ундаги хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг асосий йўналиши замонавий асбоб ускуналар ва техникани, технологик линиялар ҳамда модулларни ишга солиш, инновацион технологияларни жорий этиш ҳисобидан юқори технологияли, жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган маҳсулотларни кенг кўламда ишлаб чиқаришдан иборат. Хусусан, бу ерда электротехника, машинасозлик ва автомобилсозлик саноати учун бутловчи қисмлар, озиқ-овқат, фармацевтика маҳсулотлари, тиббиёт ускуналарини ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда.

Ҳозиргача НЭИИЗда саноат корхоналари ташкил этиш бўйича умумий ҳажми 187 миллион АҚШ долларидан зиёд бўлган 19 та битим имзоланди. Бу корхоналар тўлиқ ишга тушганидан сўнг йилига 375,5 миллион долларлик маҳсулот ишлаб чиқарилади ва унинг ярми экспорт қилинади. Жорий йилда яна 50 та лойиҳани ўзлаштириш режалаштирилган.

Шунингдек, Навоий аэропортининг халқаро логистика марказида дунёнинг 10 дан ортиқ мамлакатларига халқаро рейслар йўлга қўйилди. Ҳудудга ўз инвестицияларини киритмоқчи бўлаётган сармоядорлар, хорижлик келган хизматчи ва ишчилар учун қулай шароитлар яратиш кўзда тутилган бўлиб, Навоий эркин иқтисодий зонаси яқинда "Кореан Аэр" компаниясининг ходимлари учун турар жойлар мажмуаси қурилиши бошлаб борилди. Бу қурилажак турар жой учта бино ва 51 та хонани ўз ичига олади. Қурилиш ишларини 2010 йилнинг август ойида якунлаш кўзда тутилган.

Маърифат ШАРИПОВА,
Навоий вилояти.

ДУНЁДА НИМА ГАП?

АҲОЛИ ҚАРШИ ЧИҚДИ

Исландияда бўлиб ўтган референдумнинг дастлабки натижаларига қараганда, мамлакат аҳолиси иқтисодий инқироз туфайли банкрот бўлган Icesave банкининг хорижлик омонатчиларига давлат бюджетидан маблағ берилишга қарши чиққан. Ҳукумат аҳоли фикрига қўшилишини билдирди.

2008 йилда банкрот бўлган Icesave банки аввал хорижликларнинг, хусусан, Буюк Британия ва Голландия фуқаролари омонатларини фаол равишда жалб қилган эди. 2008 йилнинг охирида у Landsbankининг бир бўлими сифатида давлат ихтиёрига ўтди.

Буюк Британия ва Голландия ҳукуматлари ўз фуқароларининг 3,8 миллиард доллар миқдордаги омонатларини тўлади ва энди ушбу маблағни Исландиядан қайтаришни талаб қилмоқда. Аммо Исландия аҳолиси бунга қарши чиқди. Уларнинг айтишича, банкнинг қарзини бюджетдан тўлаш ноқонуний. Шу боис улар референдумда пул тўланишига қарши овоз беришди.

ТУРКИЯДА ЗИЛЗИЛА

Якшанба куни Туркиянинг Элязиг провинциясида 6 балли зилзила бўлди. Дастлабки маълумотларга қараганда, ер силкиниши оқибатида 50 дан ортиқ киши ҳаётдан кўз юмган, 100 нафардан кўпроқ аҳоли турли даражада тан жароҳати олган.

Associated Press хабарида айтилишича, олтита қишлоқ зилзиладан жиддий зарар кўрган. Табиий офат рўй берган жойга Анқара ва бошқа шаҳарлардан қутқарувчилар ҳамда тиббиёт ходимлари ёрдамга келган. Зилзила оқибатида кўпроқ пахса уйлар қулаб тушган.

СТАНЦИЯНИНГ ПАРВОЗИ КЕЧИКТИРИЛДИ



Хитой ўзининг Тяньгун-1 станциясини космосга чиқаришни кечиктиришга қарор қилди. Оғирлиги 8,5 тонна бўлган модулни жорий йилнинг охирида космосга чиқариш режалаштирилганди. Лекин унинг парвози 2011 йилга қолдирилди. AFP хабарида парвознинг кечиктирилиши сабаби айтилмаган, аммо бу станциянинг техник ҳолати билан боғлиқлигига ишора қилинган.

Тяньгун-1 икки йил давомида коинотдаги лаборатория вазифасини бажаради. Шу вақт давомида «Шеньчжоу-VIII», «Шеньчжоу-IX» ва «Шеньчжоу-X» космик кемалари у билан туташади ҳамда кема экипажи аъзолари станцияда турли тажрибалар ўтказади.

Хитой 2003 йилдан бошлаб ўзининг космик дастурини амалга оширишга киришган, ўша йили самога биринчи Хитой тайконавти Ян Ливей парвоз қилган эди.

ЭТНИК ТЎҚНАШУВЛАР ТУФАЙЛИ...

Нигериянинг Плато штатида этник тўқнашувлар туфайли 500 нафардан кўпроқ киши ҳалок бўлган. Айрим хабарларда қурбон бўлганлар сони 260 нафар экани айтилган. The Daily Telegraph газетасининг ёзишича, фульбе қабиласи аъзолари кечаси Жой шаҳри яқинидаги бером қабиласи яшайдиган уч қишлоққа ҳужум қилишган ва қочишга улгурмаган аёллар, болалар, қарияларни ўлдиришган.



Вақтинча Нигерия президенти вазифасини бажарувчи Гудлак Жонатан буйруғи билан ҳудуддаги ҳарбий кучлар жанговар ҳолатга келтирилди. Жабр кўрган қишлоқларни ҳарбийлар қўриқлаб турибди. BBC хабарида айтилишича, ҳозирча фульбе қабиласининг 95 нафар аъзоси қамоққа олинган.

Маълумотларга қараганда, фульбе қабиласи аъзолари чорвачилик, бером қабиласидагилар эса деҳқончилик билан шуғулланади. Икки қабила аъзолари ер талашиб, тез-тез жанжаллашиб туради. Жорий йилнинг январь ойида рўй берган тўқнашувда икки томондан 460 киши ҳаётдан кўз юмганди

ОЛТИН БАҲОСИ АРЗОНЛАШДИ

Нью-Йорк товар биржасида бўлиб ўтган сўнгги савдода бир



унция олтиннинг баҳоси аввалги савдога қараганда 14 долларга арзонлашди ва 1129 долларни ташкил этди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, доллар курсининг мустаҳкамланиши туфайли олтин баҳоси арзонлашган.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йилнинг декабрида олтиннинг баҳоси энг юқори нуқтага етганди. Ўшанда қимматбаҳо тошнинг ҳар бир унцияси 1226 доллардан сотилган.

САЙЁҲЛАР СОНИ КАМАЙМОҚДА



Россиялик сайёҳларнинг хорижга сафари 2009 йилда 15,5 фоизга ёки икки миллион кишига қисқарган. Бу ҳақда куни кеча Росстат баёнотига асосланиб, BBC хабар тарқатди. Мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, ўтган йили Литвага борувчилар сони 43 фоизга, Хорватияга сафар қилувчилар сони 36,8 фоизга, Хитойга борувчилар сони эса 51,5 фоизга қисқарган. Айни вақтда Исроилга борувчилар сони 36,5 фоизга, АҚШга бормоқчи бўлганлар сони 28,6 фоизга, Швейцарияга ташриф буюрмоқчи бўлганлар сони эса 28,2 фоизга ўсган.

Россиялик сайёҳлар энг кўп дам оладиган мамлакат Туркия ҳисобланади. Бу рўйхатнинг иккинчи ўрнини Миср, учинчисини (сайёҳлар сони тенг ярмига қисқарган бўлса-да), Хитой эгаллаб турибди.

"Ростуризм" маълумотларига қараганда, 2010 йилда хорижга чиқувчи сайёҳлар сони 2009 йилга нисбатан яна 10-15 фоизга қисқаради.

МЕТЕОРИТ САБАБ БЎЛГАН



Палеонтологлар бундан 65 миллион йил олдин диназаврларнинг қирилиб кетишига йирик метеоритнинг тушиши сабаб бўлганлигини исботлашди. Бу ҳақда Science журналида мақола босилиб чиқди.

BBC News хабарида айтилишича, шу пайтга қадар йирик калтакесакларнинг ўлимига метеорит билан бирга ҳозирги Ҳиндистон ҳудудидаги вулқонларнинг кучли ҳаракати ҳам сабаб бўлган, деган фикр ҳам мавжуд эди.

Олимлар бир хулосага келиш учун жуда кўп маълумотлар йиғишди. Текширишлардан маълум бўлишича, ер юзининг кўп ҳудудларида иридия элементи топилган. Бу модда ерда жуда кам учрайди ва асосан осмон жисмлари таркибида бўлади. Бундан ташқари, диназаврлар жуда қисқа муддатда қирилиб кетган. Дунёнинг энг йирик палеонтолог олимлари шуларга асосланиб, бир хулосага келишди: диназаврлар метеорит тушиши туфайли йўқ бўлиб кетган.

Таъкидлаш жоизки, тажрибаларда 12 давлатдан 41 нафар йирик палеонтолог олим иштирок этди.

ЧИҚИНДИДАН ЁҚИЛҒИ

Японияда чиқиндидан ёқилғи ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Уни тайёрлашда озиқ-овқат маҳсулотлари қолдиқларидан фойдаланилади. Қолдиқлар герметик идишга солиниб, устидан сув қуйилади. Сўнг босим оширилиб, 200 даражагача қиздирилади. Ярим соатлик ишлов жараёни натижасида торфга ўхшаган ёнувчан модда ҳосил бўлади.

Мутахассисларнинг айтишича, бир тонна ана шундай чиқиндидан тўрт юз килограммгача ёқилғи тайёрлаш мумкин. Янги турдаги ёқилғининг ўзига хос хусусияти шундаки, у ҳавога заҳарли газни нисбатан кам чиқаради.

АНТИҚА ТАСОДИФ



Сурия шимолидаги Ҳалаб туманида Искандар Зулқарнайн даврига оид икки юз элликта кумуш тангa топилди, деб хабар беради РАТА-ТАСС. Маълумотларга кўра, хазина антиқа тасодиф туфайли қўлга киритилган. Айтишларича, маҳаллий аҳоли вакилларидан бири янги уйига пойдевор қазиётганда тангаларга дуч келган.

ХАЛҚАРО ЁРДАМ

Африка мамлакатларида 85 миллиондан зиёд боланинг полиомиелитга чалиниш хавфи бор. Бунинг олдини олиш мақсадида «Ротари Интернэшнл» халқаро нодавлат ташкилоти ажратган 30 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ҳисобига эмлаш жараёни бошланди.

Полиомиелит ўткир юқумли касаллик бўлиб, асаб толаларини ишдан чиқаради. Унинг таъсирида бемор бутунлай фалаж бўлиб қолиши мумкин. Айни пайтда полиомиелит, айниқса, Камерун, Чад, Гвинея, Мали, Мавритания, Сенегалга катта таҳдид солаётир.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ФАОЛИЯТ

ЙЎЛЛАРИ РАВОН ЮРТ



Бойсунда бўлганмисиз? Ўркачли қир-адирлар белида арқондек эшилиб ётган илон изи йўлларидан юрганмисиз? Бу текис ва равон йўллар элларни элларга ошно этади, дилларни дилларга боғлайди. Албатта, тоғ шароитида йўл қуриш, уни таъмирлаш, автоуловлар қатновининг хавфсизлигини таъминлашнинг ўзи бўлмайди. Бунда Бойсун йўл хўжалиги, қуриш, таъмирлаш, фойдаланиш давлат корхонаси жамоасининг хизмати беқиёс.

Бойсун тумани ҳудудининг қарийб саксон фоизи тоғ ва тоғ олди зоналаридан иборат. Ана шундай шароитда йўл қуриш раҳбардан ҳам, йўлсозлардан ҳам пухта билим, бой тажриба ва тадбиркорликни талаб қилади. Салим Равшанов ва у бошлиқ жамоа аъзолари бу борада бой тажрибага эга. Корхона тасарруфидаги 327 км.ли йўлларнинг бир учи Оқработдан бошланиб, Куганли отагача давом этса, иккинчи томони Дарбанддан Бешэркакгача чўзилиб кетган. Йўлнинг 195 километри республика, 33 километри вилоят, қолган қисми эса маҳаллий аҳамиятдаги йўллар ҳисобланади. Улар Бойсун туманини Шеробод, Бандихон, Қумқўрғон, Шўрчи, Олтинсой ҳамда қўшни Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод туманлари билан боғлайди.

Қадимги Буюк ипак йўли ўрнида бунёд этилган М-39 миллий ўзбек магистрали ҳам Бойсун ҳудудидан ўтган. Шунинг ўзи туман йўлсозлари зиммасидаги вазифа ниҳоятда залворли эканидан далолат беради.

Корхона таркибида фаолият юритадиган Сайроб, Сариқамиш, Бойсун йўл участкалари ишчилари турли русумдаги техника ва механизмлар билан тўлиқ қуролланган. Ўтган йили бойсунлик йўлсозлар бундай қудратли техникалар ёрдамида 6 км. узунликда янги йўл қурдилар. Мачай ҳамда Дуғоба қишлоқларидан ўтувчи йўлларни таъмирладилар. Миллий ўзбек магистралининг Сайробдан Эгарчигача бўлган 23 километрини тўрт тасмали қилиб қайта қуриш ишини жадал бошлаб юбордилар. Туман марказидаги Н.Аъзамов номли, Қорабўйин, Бибиширин маҳаллалари йўлларига асфальт ётқиздилар. Кофирун, Работ қишлоқлари йўлларининг сиртқи қисмига ишлов бериб, унинг сифатини яхшиладилар. 30 километрли маҳаллий йўлларга шағал тўкилди.

Даҳанаи Жом қишлоғида қурилган иссиқ асфальт ишлаб чиқарувчи корхона мавсум давомида тўла қувват билан ишлатилгани туфайли йўлсозлар унинг 10 минг тонналик маҳсулотидан фойдаландилар. Бу эса қурувчилар ишини янада жадаллаштирди. Иссиқ асфальт ётқизилган йўлнинг сифати ҳам кўнгилдагидек. Шунинг баробарида корхона ходимлари қишда йўлнинг ўтказувчанлик қобилиятини ошириб, ҳосил бўлган ўйдим-чуқурларни текисладилар. Жамоа томонидан ҳаракат хавфсизлигига алоҳида эътибор қаратилаяпти. Эскирган йўл белгиларидан 208 таси алмаштирилди. 57 та янги йўл белгилари ўрнатилди. Бундан ташқари, 100 км. масофадаги огоҳлантирувчи тўсиқлар, бордюрлар, 170 дона устун ўрнатилди. Йўлларнинг тор деб топилган жойларидан 500 метри кенгайтирилди. Пиёдалар ҳаракатига қулайлик яратилди. 1,5 км.ли йўлакча, 7 та бекат сифатли таъмирдан чиқарилди.

Бу улкан ишлар ўз-ўзидан амалга ошгани йўқ. Унга Жума Турсунов, Салоҳиддин Шоймардонов, Хидир Қаҳҳоров, Равшан Раҳимназаров, Жаббор Рамазонов, Сайдулло Абдураҳимов, Неъмат Раҳмонов сингари ишчиларнинг қалб қўри, билак кучи сингдирилган. Лойиҳада белгиланган вазифаларни муддатида бажаришда бош муҳандис Зайниддин Бўриев, ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Зиёдулла Ғаффоровларнинг беқиёс хизматлари бор. Ҳозир бойсунлик йўлсозлар Мачай ва Ётиқ довонларидаги 2 км.ли тоғ йўлида тупроқ ишларини бажармоқдалар. Барпо этилаётган йўллар ҳаракатланишнинг барча талабларига тўла жавоб берадиган бўлади. Шунингдек, йўлсозлар 34 та кўприк, 265 та сув ўтказадиган қувурларни ҳам сифатли таъмирлашди.

***

Йўл қуриш — хайрли иш. Шу жиҳатдан қараганда, Шеробод туман йўл хўжалиги пудрат, таъмирлаш, фойдаланиш давлат корхонасида олиб борилаётган ишлар ҳам эътироф этишга молик. Аҳил жамоа 294 км. ли умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларига хизмат кўрсатади. Унинг 170 километри давлат аҳамиятига эга бўлса, 124 километрини маҳаллий йўлларни ташкил қилади. Шерободлик бунёдкорлар ҳам йўл қуриш ва таъмирлашнинг ҳадисини обдон эгаллаган, тажрибали кишилар. Шу боисдан туман йўллари обод, кўркам ва равон.

Сўнгги йилларда улар халқаро талабларга жавоб берадиган йўллар қуриб, қувончли натижаларга эришмоқдалар. Айниқса, Президентимизнинг "2009-2014 йилларда Ўзбек миллий магистралларини реконструкция қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига амалий иш билан жавоб бермоқдалар. Корхонадаги барча техника ва механизмлар, ишчи кучи "Олма ота — Бишкек — Тошкент — Термиз" автомобиль йўлининг 1395-1400 километрлари оралиғида тўрт тасмали, биринчи тоифали йўлни бунёд этишга сафарбар этилган. Натижалар ёмон эмас. Йўлнинг асоси яратилди. Тупроқ ишлари поёнига етказилди, сунъий иншоотлар қурилди. Лойиҳада белгиланган вазифаларни амалга оширишда бош муҳандис Ш.Муродов, иш юритувчи О.Норжалолов, С.Нурматов раҳбарлигидаги О.Шобердиев, Х.Тошниёзов сингари автогрейдерчилар, С.Норбоев, Й.Алланазаров каби асфальт босувчи техникаларни бошқарувчилар Й.Холматов, Э.Эргашев, А.Жўраев, С.Қултўраевдек ишчилар фидокорлик намуналарини кўрсатдилар.

— Йил охиригача Миллий ўзбек магистралининг 1400-1410 километри оралиғида ҳам тўрт тасмали кўркам, равон йўл яратамиз, — дейди корхона директори Нортожи Абдулаҳадов. — Лойиҳанинг смета ҳужжатлари тайёр. Ҳозир бу ишга пухта ҳозирлик кўраяпмиз.

Шерободлик йўлсозлар ўтган "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги" йилида маҳаллалар йўлларини ободонлаштириш борасида амалга оширган ишлари ҳам диққатга сазовор бўлди. Буни қишлоқлар ички йўлларининг 10 километри кенгайтирилиб, унга шағал ётқизилганидан ҳам билса бўлади. Бу иш жорий йилда ҳам изчил давом эттирилаяпти. Маҳалла йўлларидан 23 километрининг равонлаштирилиши, унинг 8 километрига асфальт ётқизилиши назарда тутилган. Лойиҳа маҳаллий бюджет ҳисобидан молиялаштирилади.

***

Кейинги йилларда Термиз тумани йўллари ҳам анча равонлашди, чиройли манзара касб этди. Кенг ва текис асфальт йўлларга оқ чизиқлар тортилди. Йўл ёқаларида арча дарахтлари ўстирилаяпти. Аниқ кўринадиган қилиб ўрнатилган йўл белгилари ҳайдовчиларнинг ҳаракатланишини тартибга солиб турибди. Бундай ибратли ишлар Термиз тумани йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш, фойдаланиш давлат корхонасининг 95 кишилик жамоаси томонидан амалга оширилди. 27 та турли русумдаги қудратли техника ва механизмлар термизлик йўлсозларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилмоқда. Шу боисдан ҳам улар ўтган йилда ҳар қачонгидан баракали меҳнат қилдилар. Қуйидаги рақамлар бунга мисол бўла олади. "Бишкек — Душанбе — Термиз" автомобиль йўлининг 1619 — 1622 километри мана шу йўлсозлар томонидан ўрта таъмирдан чиқарилди. Иш сифатли амалга оширилиб, лойиҳадаги ажратилган 401 миллион 806 минг сўм маблағ тўлиқ ўзлаштирилди.

Дарвоқе, корхона тасарруфида 160 км.ли республика ҳамда маҳаллий аҳамиятга эга йўллар мавжуд. Меҳнатсевар жамоа йўлларда муҳандислик коммуникация ишларини намунали бажарди. Улар йил давомида йўлни сақлаш, ўтказувчанлигини таъминлаш, ободонлаштириш ишларини амалга оширдилар. Биргина ўтган йили йўлларни жорий таъмирлаш бўйича 79 миллион 506 минг сўмлик иш бажарилди. Ички хўжалик йўлларида 26 миллион 304 минг сўмлик қуриш, таъмирлаш ишларини олиб бордилар.

— Бу ишларни амалга оширишда Рўзи Абдухалилов, Илҳом Жўраев, Отабек Тўхташев, Зиёдулла Имомов сингари серғайрат ишчилар ва механикларнинг хизматлари катта бўлди, — дейди корхона директори Хонимқул Тошев. — Бу йил йўл қуриш соҳасида янги лойиҳалар устида иш бошладик. Ниятимиз зиммамиздаги вазифаларни тўла-тўкис уддалаб, элнинг раҳматига сазовор бўлишдир.

Омон ШУКУРОВ ®

ТАЪЛИМ

Ёшлар — келажагимиз таянчи

Бугунги кунда мамлакатимизда таълим тизимида кенг кўламли ислоҳотлар изчил амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, "Мактаб тизимини ривожлантириш умуммиллий Дастури" асосида республикамизнинг шаҳар, туман ва қишлоқларида бунёд этилаётган ҳамда замон талаблари даражасида қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилаётган таълим масканларини кўрган кишида ўзгача ҳавас уйғонади. Амалга оширилаётган бундай хайрли ишлар замирида бир улуғ мақсад бор: Ватанимизнинг эртанги эгалари ҳисобланган ёш ўғил-қизларимизни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш.

— "Баркамол авлод йили" Давлат дастурида таълим жараёнига электрон дарсликлар, мультимедиа воситаларини кенг жорий этиш орқали мактабларда ўқитиш сифатини тубдан яхшилаш, шунингдек, ўқитувчилар ва мураббийлар меҳнатини моддий ҳамда маънавий рағбатлантириш устувор вазифа сифатида белгиланган ҳар биримиздан юксак масъулият талаб этади, – дейди Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманидаги 40-умумий ўрта таълим мактаби директори Фарида Омонова.

Ҳозирда ушбу билим масканида таҳсил олаётган 1107 нафар ўқувчига 60 нафар малакали ўқитувчи-педагог таълим-тарбия бериб келмоқда.

Мактаб бундан уч йил аввал реконструкция қилиниб, замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланган эди. Бундан ташқари, бу ерда информатика, кимё-физика ҳамда биология фанларига мослаштирилган лаборатория хоналари мавжуд. Қолаверса, ўқувчиларнинг ўз иқтидори бўйича дарсдан ташқари машғулот билан шуғулланишлари учун турли фан тўгараклари ташкил этилган. Шунингдек, ахборот-ресурс маркази, маънавият хонаси ҳам ўқувчиларнинг ҳар томонлама илмий салоҳиятини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Энг қувонарлиси шундаки, бу мактабда кичик музей ҳам мавжуд. Унда ўтган асрларга мансуб кўза, буғдой янчиш учун ишлатиладиган ўғир, самоварлар, ўт ёқиб қиздирилувчи дазмоллар, ип йигирувчи чарх, тангалар, мис қумғон, иккинчи жаҳон уруши даврида ёзилган хатлар, аскарлар олиб юрадиган аслаҳалар сақланади. Албатта, бу музей ўқувчиларнинг тарих фанига бўлган қизиқишларини янада оширишга ёрдам беради.

Мактабда ўқувчилар савиясини кучайтириш учун ҳар ҳафтада танловлар ўтказиб келинмоқда ва ғолиб ўқувчилар муносиб рағбатлантирилмоқда. Бундан ташқари, ўқувчиларнинг кўпчилиги фан олимпиадалари, шунингдек, турли танловларда юқори кўрсаткичларга эришмоқда.

Устозлар ҳам шогирдларига ибрат бўлаётгани эътиборга моликдир.

— Ёшларимизнинг интеллектуал салоҳияти анча баланд, ўзига бўлган ишончи юксак. Уларнинг билим савиясини янада ошириш, комил инсон этиб тарбиялаш биз — устозлар қўлида. Бу эса мураббийларнинг ўзидан ҳам ҳар томонлама мукаммал инсон бўлишни талаб этади, – дейди математика фани ўқитувчиси Вобаста Ҳабибуллаева.

Бугун мактаб ёшидаги болаларга кўрсатилаётган юксак эътибор келгусида жамиятимизнинг ҳар бир соҳасида етук мутахассислар етишиб чиқишида ўзига хос пойдевор бўлиши шубҳасиз. Бинобарин, эртамиз эгаларининг яхши таълим-тарбия олиши учун қилинаётган ишлар эртага ўз самарасини, мевасини бериши муқаррар.

Шоҳиста ҚЎШБОҚОВА

МАЪЛУМОТ

Халқимиз қадимдан оила қуришга масъулият билан қараган. Ҳар бир шахс оиласининг шаъни, обрўсини сақлаш учун ҳаракат қилган. Ўзбек оиласидаги болажонлик, фарзандлар томонидан ота-оналарнинг ҳурмат қилиниши, меҳнатсеварлик, сахийлик ва меҳмондўстлик каби фазилатлар минг йиллардан буён авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда.

Қонуний никоҳнинг аҳамияти

Таъкидлаш жоизки, оиланинг асоси никоҳдир. Никоҳ давлат томонидан эр билан хотиннинг шахсий ва мулкий ҳуқуқларини, манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимида қайд этилади. Никоҳ тўғрисидаги гувоҳнома эр-хотиннинг, улардан туғилган болаларнинг шахсий ва мулкий ҳуқуқлари ҳимояланишини таъминлайди.

Таассуфки, айрим оила қураётганлар ФҲДЁда расмий никоҳдан ўтмай, шаръий никоҳ билан яшашни афзал билишади. Шуни ёддан чиқармаслик керакки, никоҳдан ўтишда диний маросимларга амал қилиш инкор этилмаса-да, улар ҳеч қандай ҳуқуқий асосга эга эмас.

Ҳуқуқий демократик давлатда яшаётган ҳар бир фуқаро, албатта, ҳуқуқий онгини ошириши, давлат томонидан қабул қилинган қонунларни билиши ва уларга риоя этиши зарур.

Шуни ҳисобга олган ҳолда биз туманимиз аҳолиси, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда ҳамкорлик режасига асосан ҳуқуқий тарғибот ишларини мунтазам амалга ошираяпмиз. Яқинда 1-Тошкент педагогика коллежи биносида туман хотин-қизлар қўмитаси, прокуратураси, соғлиқни сақлаш бўлими, Ғафур Ғулом номидаги Маданият ва истироҳат боғи жамоаси билан ҳамкорликда ёшлар билан учрашув ўтказдик. Унда "Эр ва хотин мол-мулкининг шартномавий тартиби", "Гиёҳвандлик ва ичкиликбозлик — оила заволи", "Тарбияси бузилган ёшлар, улар билан боғлиқ жиноятчилик, нотинч оилалар аҳволи" каби мавзуларда маърузалар ўқилди.

Тадбирда қатнашган Тошкент транспорт касб-ҳунар коллежи ўқувчилари ўзлари тайёрлаган саҳна кўриниши билан иштирок этишди. Савол-жавоб ва баҳс-мунозараларга бой ўтган учрашув ёшларда катта таассурот қолдирди. Бундай анжуманларни янада кўпроқ ўтказиш, албатта, ўз самарасини беради.

Дилдора СУЛАЙМОНОВА,
Чилонзор тумани ФҲДЁ бўлими мудираси.

TURON BANK

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ ТУРОН БАНК

мамлакатимиз аҳлини яқинлашиб келаётган

Наврўз байрами

билан табриклайди.

Сизларга омад, бахт-иқбол ёр бўлсин!

ЮҚОРИ ФОИЗ ОЛИШНИ ИСТАГАН КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИГА

вақтинча бўш турган маблағларни Турон банкнинг юқори ликвидли активлари билан кафолатланган депозит сертификатларига жойлаштириш имконини беради. Бу орқали Сиз ўз маблағларингизни юқори фоизли даромад манбаига айлантиришингиз ҳамда ушбу қимматли қоғозлардан қўшимча молиявий даромад воситаси сифатида самарали фойдаланишингиз мумкин.

ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН

депозит сертификатлари қуйидаги шартлар асосида таклиф этилади:

Муддати	Номинал	Фоиз ставкаси %да (йиллик)
8 ойга	50 000 000	13
	100 000 000	
13 ойга	50 000 000	14
	100 000 000	
36 ойга	100 000 000	15

Қўшимча маълумотларни (+998 71) 244-12-74, 244-25-81 телефонлари ёки www.turonbank.uz сайти орқали олишингиз мумкин.

Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон

маърифатпарварлар жамияти Самарқанд Вилояти Пастдарғом тумани бўлими жамоаси

барча юртдошларимизни яқинлашиб келаётган Наврўзи олам билан муборакбод этади. Уларга узоқ умр, бахт-иқбол, қувонч ва шодлик тилайди. Айёмингиз муборак бўлсин!

ЖАРАЁН

2010 ЙИЛ – БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ

ФАРОВОН ВА ТЎКИС ОИЛАЛАР

Бугун дунё ҳамжамиятида тобора ўз ўрни ва салоҳиятига эга бўлиб бораётган жаннатмонанд юртимизда келажагимиз воислари бўлган ёш авлод тарбияси ва уларнинг маънан баркамол бўлиб вояга етишиши йўлида қилинаётган ишлар кўлами ҳар қачонгидан ҳам улуғвор тус олди.

Юртбошимиз таклифи билан 2010 йилнинг республикамизда "Баркамол авлод йили" деб эълон қилингани муносабати билан шу номда Давлат дастури ишлаб чиқилиб, унинг ижроси бўйича амалий ишлар бошлаб юборилганини фахрланиб таъкидлаш жоиз. Ўз-ўзидан аёнки, баркамол инсонлар жамиятнинг ижтимоий асоси бўлмиш оилаларда камол топади. Унинг ахлоқий, маънавий ва руҳий қиёфасининг пойдевори, аввало, оилада қўйилишини инобатга олсак, бу гўша нафақат инсоннинг, балки унинг маънавияти ва қадриятларининг давомийлигини ҳам таъминлайдиган муқаддас даргоҳ эканини янада теранроқ англаймиз.

Маълумки, оиланинг ўз ўзгармас ва бузилмас мезонлари бор. У дарз кетса, жамият бузилади, тараққиёт таназзулга юз тутади. Ёш авлодни вояга етказиб, унга илк тарбияни берадиган ҳам, уларни миллий ватанпарварлик руҳи билан озиқлантириб, маънавий баркамоллик томон етаклайдиган ҳам оила бўлгани сабабли ота-боболаримиз азал-азалдан у ҳақида кўплаб асарлар ёзиб қолдиришган. Шу йўл билан миллат фарзандларининг ақли расо, ҳамиятли бўлиб улғайишларига ҳисса қўшишган. Хусусан, Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг", Аҳмад Югнакийнинг "Ҳиббат ул-ҳақойиқ", Кайковуснинг "Қобуснома", Алишер Навоийнинг "Маҳбуб ул-қулуб" асарларида таълим-тарбия масалаларига кенг ўрин берилган. Мазкур асарларнинг маъно қатларига жо бўлган оила, эр-хотиннинг тинч-тотув ҳаёт кечириши, фарзанд тарбияси ва унинг бурчлари ҳақидаги ажойиб панд-насиҳатлар бугун ҳам қадр-қимматини заррача йўқотмаган.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ мамлакатимизда ёшлар ҳамда улар камол топадиган оилалар мустаҳкамлигига эътибор масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўзбекистонда МДҲ давлатлари орасида ягона бўлган Оила илмий-амалий марказининг муваффақиятли фаолият юритаётгани фикримизнинг исботидир. Президентимизнинг биринчи фармони ҳам 1990 йил 3 майда қабул қилинган бўлиб, у Кўп болали оналарга нафақа миқдорини кўпайтириш тўғрисида эди. Бош Қомусимизнинг XIV боби "Оила" деб номланганки, унда ота-оналар ва фарзандларнинг бир-бирлари олдидаги бурчлари белгилаб берилган 1998 йил мамлакатимизда "Оила йили" деб эълон қилиниб, Оила кодекси қабул қилинганди.

Бугун ҳар бир йилга ном бериш ва шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастурларига мувофиқ минглаб хайрли ишларнинг амалга оширилиши замирида оилага бўлган ғамхўрлик туради, десак, муболаға бўлмайди. "Инсон манфаатлари йили"дан тортиб, токи "Баркамол авлод йили"гача бирор йил йўқки, бевосита ёки билвосита оилага, унинг ижтимоий нуфузини яхшилашга, ёш авлод тарбиясига тааллуқли бўлмаса, унинг замирида фуқаролар фаровонлиги, келажак авлодга бўлган бемисл ғамхўрликлар ифодаси ётмаган бўлса. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда оилаларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишни кафолатловчи қонунчилик асосларини яратиш, ривожлантириб бориш, бу соҳада зарур тузилмаларни барпо этиш, оилаларга ҳар томонлама, ижтимоий, ҳуқуқий, психологик ва бошқа соҳаларда кўмаклашувчи кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, оила ҳамда жамият муаммоларига, уларнинг ечимига оид ўқув-услубий қўлланмалар, илмий-оммабоп рисолалар чоп этиш, миллий анъаналарни авайлаб-асраш, уларни умумбашарий қадриятлар билан уйғунлаштириш, оила ва никоҳнинг муқаддаслигини ёшлар онгига чуқур сингдириш йўли билан оилаларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга давлат томонидан ғамхўрлик кўрсатиш, оила аъзоларининг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш учун зарур ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларни вужудга келтириш борасида кўплаб ишлар қилинди.

Мухтасар хулоса шуки, бутун дунёда "оммавий маданият" ниқоби остида ёвуз ғоялар тарғиботи авж олган бир шароитда ёшларни ҳар томонлама, шу жумладан, оила ёрдамида ҳар қандай ёт ғоялардан ҳимоя қилишимиз зарур.

Зотан, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "Оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғидир".

Ботир БОЙМУРОВ,
Тошкент давлат юридик институти талабаси

Таҳририятга хатлар

ТОШКЕНТ ТЕЛЕМИНОРАСИ



Пойтахтимиз марказида кўкка бўй чўзган Тошкент телеминораси узоқ-узоқлардан кўзга ташланиб туради. Уни шаҳар аҳли ва меҳмонларга ўзига хос йўл кўрсатувчи маёқ десак, янглишмаймиз. Бу иншоотнинг баландлиги 375 метрдан иборат. Тошкент минораси 1991 йили Бутунжаҳон минералари федерациясига аъзо бўлди. Иншоот дунёдаги 200 га яқин энг баланд миноралар орасида тўққизинчи ўринда туради. У Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Ўзбекистон давлат меъморий иншооти, деб эълон қилинган.

Бугун кўплаб юртдошларимиз, сайёҳлар миноранинг кузатув майдончасига чиқиб, гўзал Тошкентнинг чиройини завқ-шавқ билан кузатмоқдалар. Бу иншоотга ташриф буюрувчилар учун қатор қулайликлар муҳайё. "Коинот" ресторанининг "Алвон" ва "Мовий" залларида миллий ва европа таомлари тайёрланади. Телеминора фойесига кираверишда эса музей ташкил қилинган. Унда дунёдаги 22 та миноранинг макети ва уларга тегишли маълумотлар ўз аксини топган.

Миноранинг юқори қисмида Тошкент телерадиоузатиш маркази жойлашган бўлиб, бу ердан радио ва телеканалларнинг эшиттириш ҳамда кўрсатувлари мамлакатимизнинг турли нуқталарига, шунингдек, қўшни давлатларга узатилмоқда.

Акбар АЛИЕВ
Тошкент шаҳри

ЧЕКИШНИНГ ТИШЛАРГА ТАЪСИРИ

Чекиш ҳақида гап кетганда кўпчилик унинг ўпкага, юрак ва қон-томир тизимларига зарари тўғрисида ўйлайди. Бу ҳаёт учун хавфли касалликларга олиб келиши мумкин эканини билади. Лекин унинг тишларга, оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватига бўлган таъсирига ҳар доим ҳам аҳамият беравермайди.

Маълумки, тишнинг устки қавати эмал билан қопланган бўлиб, табиий ялтироқлик кўринишига эга. Истеъмол қилинган овқат, кофе, чой унинг рангини ўзгартиради. Бу жараёнга тамаки тутуни ҳам сезиларли даражада "ёрдам" қилади. Бу кўпроқ тишларнинг ички юзасида билинади. Махсус тиш пасталари етарлича самара бермайди, стоматолог шифокорга эса ҳамма ҳам мурожаат қилавермайди.

Тамаки тутунидан, тишларнинг сиртида тош пайдо бўлади. Тошлар таркибида зарарли бактериялар кўпайса, оғиздан ноҳуш ҳид кела бошлайди. Бу эса ўз навбатида милк касалликларига олиб келади. Милкда гингивит (милкнинг яллиғланиши), пародонтит (тишни ушлаб турган тўқиманинг яллиғланиши) юзага келади. Бундан ташқари, қон айланиши бузилиб, милк озиқланмай қўяди. Оқибатда милк оғрийди, тишларнинг сезувчанлиги ортади. Кўпчилик ўз вақтида даволанмагани учун тишни олдиришга мажбур бўлади.

Бундан ташқари, тишларнинг ранги қорайиб, овқат таъмининг ўзгариши кабилар кузатилади. Ҳатто чекиш натижасида юзда эртароқ ажинлар пайдо бўлиши аниқланган. Чекувчиларда оғиз бўшлиғининг шиллиқ қавати раки, лейкоплакия кабилар пайдо бўлиб, уларни даволаш қийин кечади.

Шунинг учун кашандалар оғиз бўшлиғи гигиенасига мунтазам риоя қилишлари лозим.

Назира УМРЗОҚОВА,
олий тоифали шифокор
Тошкент вилояти

БУ КУНЛАРГА ЕТГАНЛАР БОР...

Раҳматли момомни 12 ёшида хотини билан ажрашган, болали эркакка турмушга беришган экан. Ёш онла фақирликда кун кечира бошлабди. Баъзида егулик тугаб қоларкан. Шундай кунларнинг бирида момом беҳаловат бўлиб кўчага чиқибди. Шунда қўшиларнинг уйида қилинаётган овқат ҳиди димоғига урилиб, янада беҳузур бўлибди. Кейин нима қилишини билмай, букчайиб ўтириб, чанқовуз чала бошлабди.

Даладан қайтаётиб, ота-онасидан ҳол-аҳвол сўрашга кирган бобом буни олдиндан сезиб, битта нонни белига тугиб келибди. Кейин иккаласи нонни тўртга бўлиб, бўлакларни косадаги сувга бўктириб ейишибди. Овқатга томоғи тушган, яъни иштаҳаси очилиб кетган ёш келинчак кўзи жиққа ёш билан уч-тўрт марта кўчага чиқиб, овқатнинг ҳидини ҳидлаб келибди.

Момом ҳар гал биз — набираларини ёнига чорлаб, бошидан кечирган бундай воқеаларни айтиб берардилар. Момом ёшлигининг энг гуллаган даврида ҳозиргидек турли хил урфдаги кийимларни, чиройли мактаб формаларини кийиб, ҳашаматли мактабларда таълим олиш, турли спорт мусобақаларида иштирок этиб, жаҳонга чиқиш, кўркам оромгоҳларда мазза қилиб дам олишни хаёлларига ҳам келтирмаганлар. Ҳатто ўз меҳрибон ота-онаси фарзандига бир коса овқат орттира олмаган замоннинг гувоҳи бўлган момом истиқлол шарофати билан ёшларга беқиёс имкониятлар эшиклари очиб берилаётганини кўриб, эшитиб, доимо кўзларига ёш олардилар. Бу дориломон кунларга етказгани учун Яратганга шукроналар айтардилар.

Нигора ТОШҚУЛОВА
Сурхондарё вилояти

СУҲБАТ

ДАРМОН БОР ЕРДА ДАРД ҚОЛМАС

Бетоб бўлган одам борки, касалликдан тезроқ фориғ бўлиб, шифо топиш илинжида дори ичади. Дард чекмаган дори қадрини билмас, деган нақл бежиз айтилмаган, ахир. Сўнгги пайтларда касалликлар тури кўпайгани боис янги дориларга, айниқса, табиий хомашёдан тайёрланган дори-дармонга эҳтиёж ошиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси бошлиғи, фармацевтика фанлари доктори, профессор Ҳабибулла ЖАЛИЛОВ билан суҳбатимиз ҳам республикамиз фармацевтика соҳасидаги ўзгаришлар, янгиликлар хусусида бўлди.



— Ҳабибулла Каримович, бугун дунёда кечаётган ўзгаришлар ҳар қачонгидан тезкор ва шиддатли. Юртимизда фармацевтика соҳасини ривожлантириш, дунё миқёсида кечаётган ўзгаришлар билан қадам-бақадам юриш учун қандай чора-тадбирлар кўрилмоқда?

— Тўғри таъкидладингиз. Барча соҳалар қатори фармацевтика ҳам жуда тез ривожланиб бормоқда. Хусусан, замонавий технологиялар бу борада тинимсиз янгиликлар яратиш омили бўлмоқда. Айтиш керакки, республикамиз раҳбарияти фармацевтика соҳаси ривожига жуда катта эътибор қаратмоқда ва бу дунёда кечаётган тезкор янгиланишлар, ўзгаришлардан ортда қолмаслик имконини бермоқда. Сир эмас, дори воситалари аҳоли соғлиғини сақлашда муҳим ўрин тутади. Соғлиқни сақлаш вазирлигида дори воситалари, тиббий техника ва тиббий буюмлар сифатини, давлат назорати самарадорлигини ошириш йўлида муайян ишлар олиб борилмоқда.

Бугунги кунда бизнинг асосий вазифамиз ва муқаддас бурчимиз Ватанимиз тарихидан ўзимиз учун муносиб саҳифа очиш ва уни авлодларимиз учун ибрат бўладиган олижаноб ва савобли ишлар билан тўлдиришдир. Мустақиллик йиллари ҳар бир соҳада, шу жумладан, аҳолини юқори самарали ва безарар дори воситалари билан таъминлаш борасида ҳам юксалиш даври бўлди.

Юртдошларимизнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминлаш, истеъмолчилар ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини ошириш мақсадида дори воситаларининг сифатини назорат қилиш тизими яратилган, бу борада мустаҳкам қонунчилик базаси ишлаб чиқилган. Дори воситалари муомаласи Ўзбекистон Республикасининг 1995 йилда қабул қилинган «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги қонунига мувофиқ олиб борилмоқда.

— Бугунги кунда мутахассислар истеъмолчиларни сифатли ва безарар дори воситалари билан таъминлашда ўсимлик хомашёси, халқ табобати воситаларига ҳам мурожаат қилиш зарурлигини таъкидламоқдалар. Ўзбекистон замини шифобахш гиёҳлар, ўсимликларга бой. Шундай экан, дори воситаларини ана шу шифобахш табиий бойликлардан тайёрлаш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Дарҳақиқат, бугунги кунда аҳолини самарали ва безарар дори воситалари билан таъминлашда ўсимлик хомашёлари ва халқ табобатида қўлланиладиган воситаларга алоҳида эътибор бериш лозим. Шу мақсадда ўсимлик хомашёлари ва улар асосида тайёрланадиган сироп, настойка, экстрактлар ва бошқа дори турларини ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилиши керак. Шу билан бирга, маҳаллий дори воситалари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, доривор ўсимликларни қайта ишлаш ва улардан турли дорилар тайёрлаш ҳам долзарб ҳисобланади.

Айни пайтда «Асел», «Гербофарм», «Zamona – Rano» хусусий корхоналари, Охунбобоев номли ўрмон хўжалиги, «Доривор ўсимликлар» МЧЖ, «Шифобахш» ўрмон хўжалиги ўсимлик хомашёлари етиштириш ва тайёрлаш билан шуғулланади. «Zamona – Rano» корхонаси ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлмаган эсада, у ишлаб чиқарган ва тиббиёт амалиётига татбиқ этилаётган доривор ўсимлик хомашёлари сифати, безарарлиги, арзонлиги, қўллашнинг қулайлиги ва бошқа хусусиятлари бўйича ижобий кўрсаткичларга эга.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тизимидаги академик С.Юнусов номидаги Ўсимлик моддалар кимёси институти, академик О.Содиқов номидаги Биоорганик кимё институти, шунингдек, Тошкент фармацевтика институти, Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий текшириш институти ва бошқа илм даргоҳлари олимлари томонидан маҳаллий хомашё асосида юқори самарадор ва безарар дори воситалари технологиясини яратиш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Мазкур институтлар томонидан яратилган ва ишлаб чиқарилган доривор моддалардан фармацевтика корхоналарида тайёр дори турлари ишлаб чиқарилмоқда. Масалан, Ўсимлик моддалар кимёси институтида аллапинин, галантамин, тефестрол, дезоксипеганин, экдистен, медамин, альбендазол субстанциялари, Тошкент фармацевтика институтида купир, пирацин, кобальт-30, ферамид дори воситалари, Биоорганик кимё институтида гозалидон, рагосин, мегасин ва бошқалар яратилган. Маҳаллий фармацевтика корхоналарида улардан дори турлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Яқинда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳомийлигида ЮНИСЕФ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ табобати академияси иштирокида "Халқ табобатининг ҳозирги кундаги аҳамияти, истиқболлари" мавзусида анжуман ўтказилди. Илмий-амалий конференцияда халқ табобати соҳасида фаолият олиб бораётган мутахассислар, олимлар иштирокида замонавий дори турларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш масаласи кенг муҳокама қилинди. Мазкур анжуманда ҳам халқаро экспертлар юртимиздаги бой табиий имкониятларга юқори баҳо беришди.

— Республикамиз фармацевтика саноатини ривожлантиришда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар фаолиятини янада такомиллаштириш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шундай эмасми?

— Албатта, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар фаолияти тараққий этса, ички бозорда ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўпаяди. Бугунги кунда маҳаллий фармацевтика корхоналари томонидан 20 дан ортиқ турдаги оригинал дори воситаси яратилган ва амалиётга татбиқ этилмоқда. Уларнинг кўпчилиги маҳаллий хомашё, шу жумладан, Ўзбекистон ҳудудида ўсадиган доривор ўсимликлардан ишлаб чиқарилган. 1998 йили 142 номдаги маҳаллий дори воситалари рўйхатдан ўтган ва тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат этилганди. 2010 йилнинг 1 январига келиб, маҳаллий дори воситаларининг тури 790 тани ташкил қилди.

Мамлакатимизда фармацевтика саноатини модернизация қилиш, иқтисодиётимизни барқарор ўсиш суръатлари билан ривожлантиришга қаратилган изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу борада қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 ноябрдаги «2011 йилгача бўлган даврда фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш Дастури тўғрисида»ги қарори ишлаб чиқариш қувватларидан самарали ва оқилона фойдаланиш, экспортга йўналтирилган рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш, шунингдек, республикамиз аҳолисининг маҳаллий дори воситалари ҳамда тиббиёт буюмларига бўлган талаб ва эҳтиёжини тўлиқроқ қондиришга йўналтирилгандир.

Бугунги кунда юртимизда таблеткалар, капсулалар, инъекцион ва инфузион эритмалар, суртмалар, гален препаратлар ва бошқа дориларни ишлаб чиқарувчи бир қатор корхоналар, жумладан, «Ўзкимёфарм» ОАЖ, «Ўзбиофарм» ОАЖ, «Журабек Лабораториес» МЧЖ, «Фармед саноат» хусусий корхонаси, «Радикс» илмий ишлаб чиқариш корхонаси, «Ремеди» МЧЖ қўшма корхонаси, «Самсунг-Ташкент-Фарм Лтд» қўшма корхонаси, «Ника-Фарм» шўъба хўжалик жамияти, «Неогаленфарм» чет эл корхонаси фаолият юритмоқда. Шунингдек, «Асклепий Свифт», «Сарбонтекс», «Мединс», «УзКорея медикал» қўшма корхоналари шприц, тиббиёт момиғи, бинт, дока каби тиббий ашёлар ишлаб чиқармоқда.

— Дунё миқёсида қалбаки дори воситалари муаммоси мавжуд. Сохта ва сифатсиз дори воситаларига қарши кураш борасида қандай чора-тадбирлар кўрилмоқда?

— 2009 йил 17 сентябрда «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги қонунга, Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ўзгартиш ва тўлдиришлар киритилди. Мазкур ўзгартишлар ҳам аҳолини сифатсиз дори воситаларидан ҳимоя қилишга қаратилгандир.

Ички бозорга қалбаки ва сифатсиз дори воситалари кириб келишининг олдини олиш масаласига ҳукумат томонидан алоҳида эътибор берилмоқда. 2009 йил 6 июнда Вазирлар Маҳкамасининг «Сифатсиз ва қалбаки тиббий маҳсулотларни муомалага киришининг олдини олиш ва тиббий муассасаларнинг дори воситалари билан таъминланиши назорати ишларини мувофиқлаштириш бўйича чора-тадбирлар режаси» тасдиқланган. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Фарминспекцияси томонидан режага асосан дорихона муассасалари ва дори воситалари ишлаб чиқарувчи корхоналар билан профилактика ишлари кучайтирилди.

2010 йилнинг ўтган икки ярим ойи мобайнида ҳокимликлар, прокуратура, ички ишлар, солиқ ва божхона идоралари, «Дори-дармон» АК, даволаш-профилактика ҳамда дорихона муассасаларининг 4900 дан ортиқ раҳбар ва мутахассислари иштирокида Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда семинарлар ўтказилди. Уларда амалдаги меъёрий ҳужжатларни бажариш, сифатсиз ва сохта дори воситаларига қарши курашиш юзасидан қатор масалалар муҳокама қилинди.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши рухсати билан 2009 йил давомида 451 та текширув ўтказилди. Ўтказилган мониторинг давомида қонун ва қоида бузилишларига йўл қўйгани, шу жумладан, сифати кафолатланмаган дори воситалари муомаласида иштирок этгани учун 19 та хўжалик юритувчи субъектнинг иш ҳужжатлари прокуратура органларига, 60 та хўжалик юритувчи субъектнинг иш ҳужжатлари Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Лицензиялаш кенгашига, 5 та хўжалик юритувчи субъектнинг иш ҳужжатлари Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармасига, 2 та хўжалик юритувчи субъектнинг иш ҳужжатлари солиқ идораларига чора кўриш учун юборилди.

Ҳеч шубҳасиз, бундай тадбирлар юртимиз фармацевтика соҳаси ҳамда аҳоли дори таъминотини янада яхшилашга хизмат қилади.

С.КАМОЛОВ суҳбатлашди.

ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ

МУҲИМ ДАРСЛИК

Ўзбекистон ҳудудида дастлабки газеталар бундан қарийб 130 йил муқаддам чиқа бошлагани кўпчиликка маълум. Миллий журналистика тарихи тегишли ўқув муассасаларида фан сифатида ўқитилаётганига эса ярим асрдан кўпроқ вақт ўтмоқда. Бироқ ҳаётнинг тақозоси шундай бўлдики, ўлкамизда дастлабки матбуотнинг вужудга келиши тарихини замондошларимиз кўз ўнгида гавдалантириш ҳам, уни фан сифатида ҳаётий ҳақиқатга мос келадиган тарзда ўрганиш-ўргатиш ҳам фақат Ватанимиз мустақиллиги йилларидагина тўғри йўлга қўйилди.

Журналистика тарихидан бугунги кун талабларига жавоб берадиган салмоқли ўқув қўлланмалари ва дарсликлар яратилмаганини, соҳада катта бўшлиқ вужудга келганини ҳам маълум маънода мазкур сабаб билан изоҳлаш мумкин. Дарҳақиқат, бундан 100-130 йил бурун бўлиб ўтган жараёнларни борича ёзиш учун, биринчидан, асл манбаларни ниҳоятда жиддий ва заргарона ўрганиш, иккинчидан эса, ўрганилган ва тўпланган маълумотларга илмий нуқтаи назардан тўғри ва ҳаққоний баҳо бера билиш учун ҳам муайян имкон бўлиши керак эди. Бундай имконни эса Истиқлол берди!

Кейинги йилларда журналистика тарихини ўрганиш борасида бирмунча самарали изланишлар олиб борилди. Хусусан, тарих фанлари доктори, профессор Назира Абдуазизованинг фундаментал тадқиқотлари алоҳида эътиборга моликдир. Олиманинг "Мустақил Ўзбекистон журналистикаси тарихи" ҳамда икки жилдлик "Миллий журналистика тарихи" асарларида миллий матбуотимизнинг энг қадимий даврдан то ҳозирги кунга қадар босиб ўтган йўли тадрижий равишда тадқиқ этилди.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети доценти, миллий матбуотимизнинг катта билимдони Бойбўта Дўстқораевнинг қаламига мансуб "Ўзбекистон журналистикаси тарихи" асарида (Т., 2009. – Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи) 1870-1917 йилларда миллий журналистиканинг вужудга келиши ва тараққий этиши атрофлича ёритилган.

Асар, аввало, олий ўқув юртлари журналистика факультетлари талабалари учун мўлжаллаб яратилган дарслик сифатида илмий-назарий ва амалий қимматга эга. Иккинчидан, дарслик биринчи бор асл манбалар асосида яратилгани билан аҳамиятлидир. Учинчидан, муаллиф ҳозирга қадар ушбу йўналишда, яъни миллий журналистика тарихини ўрганишга бағишланган энг яхши тажрибаларни эътиборсиз қолдирмайди, балки улар ҳақида маълумот беради, мухтасар таъриф келтиради. Тўртинчидан эса, Б.Дўстқораев асл манбаларда турли сабабларга кўра йўл қўйилган ўнлаб хато ва чалкашликларга, ноаниқликларга тузатиш ва изоҳлар берганки, фикримизча, бу ушбу дарсликнинг нечоғли заҳматли меҳнат маҳсули эканидан далолат беради.

Ўтмишда бўлиб ўтган воқеалар силсиласини илмий асосда ўрганиш мақсадида тарихни даврлаштириш фанда синалган усул хисобланади. Муаллиф ҳам шу йўлдан боради. Бундан ўн йил бурун Н.Абдуазизова томонидан нашр этилган "Туркистон матбуоти тарихи" китоби 1870-1917 йиллар жараёнларини ўз ичига олган. Б.Дўстқораев яратган дарсликда ҳам айни шу даврдаги матбуот ҳақида гап боради.

Кўринадики, миллий журналистикамизнинг салкам эллик йиллик бу даври мураккаблиги, зиддиятли воқеаларга бойлиги, бошқача айтганда, ойдинлик киритилиши зарур бўлган тарихимиз саҳифаси экани билан алоҳида тадқиқот объекти, мавзуси ҳисобланади.

Яхлит олганда, Б. Дўстқораев Ўзбекистон журналистикаси тарихини тасниф этишда давлатимиз мустақиллигини бош мезон қилиб олади ҳамда "Мустабидлик даври Ўзбекистон журналистикаси (1870-1991 йил 31 август)" ҳамда "Мустақиллик даври Ўзбекистон журналистикаси (1991 йил 31 августдан кейинги йиллар)" сифатида даврлаштиради. Бироқ дарслик бобларининг (жами тўққиз боб) номланишидан ҳам маълум бўладики, муаллиф мазкур икки катта давр жараёнларини ўрганишни енгиллаштириш мақсадида уларни нисбатан ихчам даврларга ҳам бўлади. Шуни таъкидламоқ керакки, бу борада дарслик муаллифи ўзига хос йўл танлайди. Яъни Туркистонда матбуот юзага келишининг, шунингдек, миллий матбуот пайдо бўлишининг ижтимоий-сиёсий омилларига ойдинлик киритади. Аксарият мавжуд манбаларда ёритилмаган Бухорода миллий матбуотнинг юзага келишига алоҳида боб ажратади. Ўлкамизда дастлабки хусусий газета ва журналларнинг пайдо бўлиши, цензуранинг "қанот ёзиши", айниқса "Туркистон вилоятининг газети" билан миллий матбуот ўртасидаги мафкуравий кураш борасидаги фикрлар матбуотимиз ўтмишининг ўша давр саҳифаларига бўлган қарашларни янгилайди, мавжуд чала нуқтаи назарларни тўлдиради.

Мустабид тузум ҳарчанд ўзини оқламасин, жамиятда матбуот ва сўз эркинлиги муҳитини "яратиб қўйгани"ни таъкидламасин, реал воқелик ундай сиёсатнинг қуруқ сафсатадан бошқа нарса эмаслигини рўй-рост намойиш этиши дарсликда инкор этиб бўлмайдиган мисоллар ёрдамида очиқ-ойдин кўрсатиб берилган. Чунончи, "Туркестанские ведомости", кейинроқ "Туркистон вилоятининг газети"ни ташкил этишдан асл мақсад ҳам ўлкани ўзлаштириш бўлган. Газетага пиёда аскарлар зобитининг муҳаррир этиб тайинлангани, газетанинг дастлабки беш сонига генерал-губернатор фон-Кауфманнинг ўзи муҳаррирлик қилгани ва ниҳоят, газетанинг чор маъмурияти, унинг Ички ишлар вазирлиги томонидан тузилган дастур асосида фаолият юритганининг ўзиёқ кўпгина ҳақиқатларни англатади.

Тўғри, сўз юритилаётган даврда ўлкада миллий матбуот пайдо бўлди, замонавий тушунчадаги журналистика кўникмалари юзага чиқди, публицистика жанр сифатида шаклана бошлади, профессионал журналист кадрлар кўзга ташланди, ҳатто биринчи хусусий нашрлар очилишига ҳам ижозат берилди. Бироқ, ташқаридан қараганда, бир қадар "маъмурчилик" бўлиб кўринган бу эркинликнинг ҳар қаричида мустабид сиёсат кўланка солиб тургани ҳам ҳақиқат эди. 1905-1907 йиллардаги воқеалардан қўрқувга тушган император Николай II 1905 йилнинг 17 октябрида эълон қилган манифести, жумладан, Туркистонда миллий матбуотнинг юзага келишига замин яратган ҳужжатлардан, дея таърифланар, "Тараққий", "Хуршид", "Шуҳрат", "Осиё", "Тужжор" газеталарининг таъсис этилиши мана шундай "имконият" меваси, дея талқин ҳам қилинар эди. Бироқ катта саъй-ҳаракатлар билан дунёга келтирилган ушбу нашрларга ўтказилган тазйиқлар, уларнинг саноқли сонлари чиқиб-чиқмай турли баҳоналар билан нашрдан тўхтатилгани подшо манифестининг асл қиёфасидан далолат беради.

НАШР

Маълумки, муҳтарам Юртбошимиз Фармони билан 1906 йилдан буён "Тараққий" газетасининг биринчи сони чиққан кун мустақил республикамизда Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларининг касб байрами сифатида нишонланиб келинмоқда. Шу маънода дарсликда мазкур газетанинг ташкил этилиши, фаолият юритиши, муаллифлари ва йўналиши бирмунча кенг ёритилгани айни муддао бўлган. "Бу туркистонлик зиёлилар чиқарган илк миллий газета эди", — деб ёзади муаллиф. "Тараққий" газетаси дастлабки сонлариданоқ маҳаллий аҳолига мустабид ҳукуматнинг моҳиятини, миллий зулм, мустабидлик нималигини, эрк, озодлик қанчалар буюк неъмат эканини англатишга усталик билан киришди.

Афсуски, чор маъмурлари фавқулоддда жасоратли, ҳур нашрнинг эмин-эркин фаолият юритишига тоқат қилолмаслиги аён эди. Дарсликдаги "Тараққий" ва "Туркистон вилоятининг газети" ўртасида гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона борган "муҳораба"га бағишланган саҳифалар айниқса, қизиқиш билан ўқилади.

Дарсликнинг сўнгги бобида илк давр ўзбек миллий журналистикасининг кўплаб атоқли намояндалари вакилларидан Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавваркори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Убайдулла Асадуллахўжаевларнинг ижодий портретлари яратилгани ишнинг илмий, тарихий ва амалий аҳамиятини оширган.

Бир сўз билан айтганда, республикамиз журналистикаси жамоатчилигини янги, муҳим ва қимматли дарслик билан табриклар эканмиз, унинг кейинги қисмлари ҳам кечикмай чоп этилишини истаб қоламиз.

Муҳаббат ШАРАФИДДИНОВА,
филология фанлари номзоди, доцент,
Хуршид ДЎСТМУҲАММАД,
филология фанлари доктори.

Кунчиқар мамлакат кўзгуси

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Учинчи мингйилликнинг дастлабки ўн йили дунё матбуот нашрлари учун ўзига хос синов даври бўлди. Ахборот технологиялари, интернетнинг шиддат билан ривожланиши газета-журналларни мураккаб аҳволга солиб қўйди. Аммо жаҳон миқёсида нашрлар ададининг кескин камайиши кузатилаётган бир пайтда Японияда газета-журналлар ўз ўқувчиларини йўқотмагани ёқимли ҳодиса. Бу ҳолатни япон миллатининг мутолаасеварлиги, газета-журнал ўқишга иштиёқи баландлиги билан изоҳлаш тўғри бўлса керак.

Япония ноширлар ва муҳаррирлар уюшмаси маълумотига кўра, ҳар бир япон оиласи ўртача 2 та газетага обуна бўлади, аҳолининг 76,2 фоизи кундалик газета ўқийди, ҳар бир япон фуқароси кунига газета ўқиш учун 44,1 дақиқа, журнал мутолааси учун 16,8 дақиқа вақт ажратади.

Кунчиқар юрт газеталари кунлик адади бўйича дунёда биринчи ўринда (72,7 млн. нусха), уларнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдори бўйича эса Норвегиядан кейин иккинчи ўринда (ҳар 1000 кишига 580 та газета) туради.

Япон матбуоти бир неча асрлик тарихга эга. "Кавара-рабан" деб номланган биринчи газета Осакада XVII аср бошларида пайдо бўлган. Ҳар бир сони алоҳида мавзуга бағишланган мазкур ахборотнома аҳолига муҳим ижтимоий-сиёсий воқеалар хусусида маълумот бериб турган. Замонавий газета талабларига жавоб берувчи биринчи матбуот нашри эса 1870 йилнинг декабрида "Иокогама симбун" номи билан дунё юзини кўрган. Шу тариқа матбуот нашрларининг сони ва сифати ошиб борган.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги давр япон матбуоти учун янги тараққиёт саҳифасини очди. 1945 йилнинг 10 сентябрида «Сўз ва матбуот эркинлиги тўғрисида» меморандум қабул қилинди. 1947 йили кучга кирган Конституцияга сўз ва матбуот эркинлигини кафолатловчи махсус модда киритилди. Шу йили Япония ноширлари ва газета муҳаррирлари уюшмасига асос солинди.

Айни пайтда Кунчиқар юртда 420 та газета, 3000 та журнал фаолият юритмоқда. Улар орасида тўртта газета етакчи умуммиллий нашр сифатида эътироф этилади.

«Ёмиури» («Мухбир»). Нафақат Япония, бутун дунёда ҳам энг катта ададга эга бўлган газетанинг кунлик тиражи 14,4 миллион. Газета шу номдаги концернга қарашли бўлиб, асосан анъанавий қарашларни ифодалайди, шу боис ҳам у мутахассислар томонидан консерватив нашрлар сирасига киритилади. Газета Япония ва дунёда рўй бераётган ҳодисалар, сиёсат, иқтисод ва маданият соҳаларини ёритиб боради. Бундан ташқари, «Ёмиури» ширкати ўнлаб газеталарга муассислик қилади. Масалан, инглиз тилида чоп этиладиган «The Daily Yomiuri» (52,8 минг нусха) хорижий ўқувчиларга мўлжалланган.

«Асахи» («Чиқаётган қуёш»). 12,4 млн. нусхада чоп этиладиган мазкур кундалик нашр «Ёмиури»нинг ашаддий рақобатчиси (XIX асрдан буён чоп этилаётган ҳар икки нашр Осиёнинг кўҳна газеталари сифатида эътироф этилади). «Асахи» либерал қарашларни қўллаб-қувватлайди, шунинг учун ҳам асосий ўқувчилари ёшлар, зиёлилардан иборат. Бундан ташқари, «Асахи» концерни 18 номдаги газета-журналларга, жумладан, инглиз тилида чоп этиладиган «Asahi Evening News» (38,8 минг) нашрига ҳам эгалик қилади.

«Майнити» («Кундалик»). Японияннинг учинчи йирик газетаси бўлмиш бу нашр 5,6 млн. нусхада чоп этилади, мамлакат бўйича 300 га яқин мухбирлик пунктига эга. Ўқувчилари ўрта ёшли аҳоли қатлами, юқорида зикр этилган рақобатчи нашрлар каби сиёсат, иқтисод ва маданият соҳаларини ёритади.

«Никкэй» (Япон иқтисодий газетаси). АҚШнинг «The Wall Street Journal», Англиянинг «Financial Times» газеталари каби иқтисодий-молиявий соҳага ихтисослашган. Газета бир кунда 4,7 млн. нусхада чиқади. Асосий ўқувчилари – бизнесмен ва ишбилармон доира вакиллари, иқтисодий соҳага қизиқувчилар.

Мазкур газеталар иқтисодий даромад борасида йирик ишлаб чиқариш компаниялари билан бемалол беллаша олади. Яна бир эътиборли жиҳати, газеталар ўз телеканалларига ҳам эга. Мамлакатнинг умуммиллий телеканаллари саналган "Nippon News Network" (NNN) – «Ёмиури», "All Nippon News Network" – «Асахи», "TV Tokyo Network" эса «Никкэй» газеталарига қарашли.

«The Japan Times» – инглиз тилида чоп этиладиган етакчи газета. Мазкур нашр асосан чет эллик меҳмонлар, хориж дипломатик корпуси вакилларига мўлжалланган.

Япония 47 та префектура (маъмурий ҳудуд)дан ташкил топган. Бу жиҳатдан, газета-журналларни префектурал ва минтақавий турларга бўлиш мумкин.

Префектураларнинг ҳар бирида «Акита сакигакэ симпо», «Тюгоку» каби қатор газета-журналлар чоп этилади ва ўша ҳудуд миқёсида тарқатилади. Бундан ташқари, муайян префектурада чоп этилиб, бир неча ҳудудда тарқатиладиган «Хоккайдо», «Тюнити» ва «Ниси Ниппон» сингари нашрлар ҳам бор.

Мазкур минтақавий нашрлар маҳаллий хабарларни ўз мухбирларидан, халқаро хабарларни эса "Киодо цусин", "Дзидзи цусин" каби етакчи ахборот агентликларидан олади.

Матбуот бозорида журналларнинг ўрни катта. Кунчиқар юртда кундалик журналлар ҳам талайгина. Масалан, "Josei Jishin" (аёллар учун), "Nikkei Business" (иқтисодий йўналишда) каби журналлар ҳар куни чоп этилади.

Мамлакатда журналист кадрларни тайёрлаш бўйича ўзига хос анъана шаклланган. Кунчиқар юртда журналистларни тайёрловчи алоҳида факультетлар йўқ. Таҳририятлар сиёсат, иқтисод ёки маданият йўналишидаги олий ўқув юртларини битирган ва ёзишга қизиқадиган ёшларни ўз сафига қабул қилади. Улар махсус малака ошириш курсларида ўқитилади. Шу тариқа журналист-иқтисодчи, журналист-сиёсатчи каби муайян мавзуга ихтисослашган малакали кадрлар тайёрланади.

Япон газеталарида муаллифнинг нуқтаи назарини ҳимоя қилишга катта эътибор берилади. Шу боис ҳам аксарият таҳририятлар танқидий-таҳлилий мақолаларни муаллиф имзосисиз чоп этади. Бу билан таҳририят, биринчидан, муаллиф позициясини ҳимоя қилади, иккинчидан, жамоавий бирдамлик ҳамда сўз ва фикр эркинлигини қўллаб-қувватлайди. Жамиятда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларда матбуот фаол иштирок этади. Шу сабабли аҳолининг телевидение ёки радиога қараганда матбуотга ишончи кучлироқ. Тадқиқотларга кўра, аҳолининг 64,3 фоизи газетани энг ишончли оммавий ахборот воситаси деб билади.

Айни пайтда оммавий ахборот воситалари тизимида, хусусан, матбуотда журналист этикаси масаласи бот-бот муҳокама қилинмоқда. 2000 йилнинг 21 июнида Япония ноширлар ва муҳаррирлар уюшмаси "Япон журналистикаси қоидалари" деб номланган ахлоқ кодексини қабул қилди. Мазкур кодекс журналистлардан юксак ахлоқ ва мустақил позицияга эга бўлишни талаб қилади.

"Газета – тарихнинг илк солномаси, журналистларнинг асосий вазифаси ҳақиқатни излашдан иборат. Журналист материаллари аниқ ва холис бўлиши керак. Мухбирнинг шахсий маслаги мақола ёзиш чоғида тарафкашлик ва нохолис муносабатга олиб келмаслиги лозим. Таҳририят мақолалари шов-шув ёки машҳурлик учун эмас, холис фикрни ифодалашга хизмат қилмоғи даркор", дейилади ахлоқ кодексида.

Шу билан бирга, "Япон журналистикаси қоидалари"да газеталар ташқи кучларнинг ҳар қандай аралашувига қарши туриши, матбуотдан ўз манфаати йўлида фойдаланишдек ғаразли мақсадни кўзлаган кучлардан эҳтиёт бўлиши кераклиги қайд этилган. Кодексда сўз ва фикр эркинлигини таъминлаш учун таҳририятлар ўрни келганда ўз позициясига тўғри келмайдиган нуқтаи назарларга ҳам жой бериши кераклиги таъкидланади. Ҳатто рекламаларда ҳам ахлоқий меъёрларга содиқлик талаб этилади.

С.САЛИМ

---

1. Матбуотимизни янада ривожлантириш уфқини қайси ўлчамларда кўрасиз?
2. Ўзбек матбуотида танқид қандай ўрин тутиши керак деб ўйлайсиз?
3. Иш фаолиятингиздан қониқасизми?

1. Матбуотнинг асосий вазифаси — жамоатчиликда фикр уйғотиш. Унинг ривожи одамларнинг тўғри, аниқ фикрлаши тарзида кўринади. Агар одамлар ўз фикрини, ўз муносабатини эркин билдира олса, баҳслашишдан ҳадиксирамаса, ўз қарашлари, нуқтаи назарини кўп ичида ҳимоя қила олса, демак, матбуот ривожланаётган бўлади.

Бошқача айтсам, матбуот ривожланиш ўлчамлари ҳам худди шахснинг шаклланиши меъёрларига ўхшайди. Адолат, жасорат, ҳақиқат, холислик. Эҳтимол, ҳар қандай тараққиётнинг ўзак ўлчамлари шулардир. Яна ҳам аниқроқ ифода қиладиган бўлсам, матбуот равнақини журналист шахси, унинг ақли, юраги, нуқтаи назари ва шуларни юзага чиқарадиган муҳит белгилайди. Компьютер, интернет деганимиз билан улар ҳам журналист «тили»да гапиради-ку.

Ҳамкасбларим менга эътироз билдириб:

«Ўта умумий фикр айтаяпсиз. Аслида матбуот иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлса, шиддатли ривожланади. Нашрлар кучли-кучли компанияларга бирлашса, хусусий самолётлари, хусусий аэробуслари бўлса, бир зумда воқеа жойларига етиб борса, ҳатто, осмондан туриб суратга олиш имконияти бўлса. Ҳар қандай шароитда воқеаларни таҳлил қилиб, тўғри, тезкор ёритиш учун, ҳеч кимдан кўрқмаслиги учун, ҳатто, ҳимоя воситалари бўлса, ана ўшанда матбуот том маънода ривожланади», — дейишлари мумкин. Лекин бундай тараққиёт ойдан ё осмондан тушмайди. Эрта бугуннинг бағрида туғилади. Шундай экан, эртага қаламимиз баландпарвозлик, сохталикдан қутулиб, ҳаётга яна ҳам яқинлашиб етиб борсак, равнақ дарвозасидан анча ичкарига кирган бўламиз. Яна бир фикр: мен «Фалон дарада бир кўзли маҳлуқ туғилибди» каби «янгилик»лар билан одамларни аниқ, тиниқ фикрлашдан бошқа тарафга тортаётган матбуот нашрининг нусхаси бир миллиардга етган тақдирда ҳам уни матбуот равнақига қўшмайман. Ўрни келганда яна бир фикрни ҳам айтиб ўтишни жоиз биламан: миллат тараққиётига ҳисса қўшаётган матбуотнигина ривожланишда деб тан олиш керак.

2. «Ўзбек матбуотида танқид» масаласи бекорга таъкидланмаганини сезиб турибман. Бизда одатий, кундалик муносабатларда ҳам бировнинг юзкўзига қараб тош отилмайди. Бирор нуқсон ҳам нозик киноя, пичинглар воситасида билдирилади. «Жоним»лаб жонини олади»га ўхшаш мақоллар айнан шундай жараёнларда яратилган бўлса керак. Демоқчиманки, биз айтишни биладиган халқмиз. Матбуот ҳам шу усуллардан узоқлашмагани яхши. Қолаверса, кимдадир қандайдир иллат илдиз отаётган экан, биз ҳам унинг рўпарасида яшаяпмиз-ку. Агар биз ҳушёрроқ, эътиборлироқ бўлганимизда, ўша иллат танқид қилинадиган даражага етиб бормасди-ку. Демоқчиманки, танқид қилаётганимизда ўша иллатни топганимиздан қувониб эмас, ўша иллатнинг бор эканидан жонимиз оғриб ёзсак, шундай танқид бизга ярашади ва шундай танқиднинг кўпроқ нафи тегади.

3. Агар: «Иш фаолиятимдан мутлақо қониқмайман», — десам, мақтанчоқлик қилган бўламан. 1983 йилдан буён (орада 7 йиллик танаффусим бор) «Саодат» журналида ишлайман. «Хўш, қани журналист бўлиб нима каромат кўрсатдинг?» — дея ўзимга ўзим рўпара бўлган чоғларда бунга жавобан берадиган бир-икки таскиним бор: умр бўйи елкама-елка меҳнат қилиб келаётган аёлларнинг қалбида: «Менинг қилганларимни билишар экан-ку, умрим сувга оқмабди», — деган қувонч уйғотдим. Фарзандларининг: «Хўш, шунча ишлаб нима топдингиз?» — тарзидаги нигоҳлари рўпарасида кичкинагина, самимий лавҳаларим билан улар юзини ёруғ қилдим.

Эҳтимол, шикоят хатлар изидан бориб, иккига бўлинай деб турган бир оилани қайта тиклашга ҳисса қўшгандирман, балки «Юрагинг деворини тақиллатаяпман», «Сиз депутат бўлдингиз» каби мақолаларим билан оёғи ердан узила бошлаган амалдор замондошларнинг чиндан ҳам юрагини тақиллатгандирман. «Ичиликбозлик — қуллик», «Олтовлон бирга бўлса», «Тўй, «тўй» дегани эмас» каби одамларнинг тил учига келиб турган бир-иккита мавзуларни ёритгандирман...

Жуда катта мавзуларни кўтариб, жамиятда, атрофимда шов-шув кўтарган журналистлар сирасидан эмасман. Лекин ёзганларида кўпроқ юрак иштирок этадиган, юракнинг оғриғи, қувончи сезилиб турадиган қаламкашлардан бириман. Бир пайтлар: «Техника — деҳқоннинг қаноти», — деган шиор бўларди. Бугун: «Техника — журналистнинг қаноти». Лекин шу қанотим заифроқ. Ўғлим, қизим, таҳририятдаги ёшлар ҳар куни бу «қанот»га қувват бериб турибди. Лекин бир ишончим ҳам борки, бошимга тушганда, уддалаб кетадиган одатим ҳам йўқ эмас. Чунки овқат қилишни оилали бўлгач ўрганганман. Ёнимда ёрдамчи қолмай, техника билан муносабат мен учун ҳаёт-мамот масаласига айланса, балки... Шунда ҳам ёзаётиб юрагимни эсдан чиқармайман.

Кутлибека РАҲИМБОЕВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

МАЪНАВИЯТ

СУРУР

ҲАЁТИМИЗ ЧИРОҒИ, УМРИМИЗ ГУЛИ

Чироқсиз уйни, гулсиз гулзорни тасаввур этиб бўлмайди. Чироқ уйни равшан этса, аёл кўнгилларни ёритади. Аёл — ҳаётимиз чироғи, умримиз гулзорининг муаттар гулидир. Истиқлол ҳаётимиз чироқларини янада нурафшон, умримиз гулларини хушбўй этгани бежиз эмас.

Аёл — она. Она тарбияси шарофатидан ёш Муҳаммад ибн Исмоил муҳаддислар султони Имом ал Бухорий, Ҳусайн табиблар султони Ибн Сино, Алишер шоирлар султони Алишер Навоий, Муҳаммад авлиёлар султони Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад буюк аллома Аҳмад Дониш, Озод Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов бўлдилар. Онанинг бағри бизнинг илк Ватан! Шу боис Ватанни она-Ватан, деймиз.

Саҳарлардан шабнам ҳиди келади,
Гулдан эса санам ҳиди келади.
Ватаним, сен Онам каби муқаддас,
Ватанимдан Онам ҳиди келади!

Аёл — эзгулик тимсоли. Диёримизда эзгуликни ҳимояламоқ ҳам фарз, ҳам қарз саналади. Шунинг учун бўлса керак, ғарб зиёлилари бизнинг аёлларимизга ҳавас қиладилар. Олмониялик шарқшунос, филология фанлари доктори Аннамария Шиммел овруполик хотин-қизларни ўзбек аёлларидан ибрат олмоққа даъват этиб, шундай ёзади: "Биз ўзбек аёлларидан садоқат, вафо ва ҳаёни ўрганишимиз керак. Оиладаги покдомонлик соғлом миллат кафолати ҳисобланади. Буюк авлиё аёл Робия Аддавия, улуғ шоиралар: Зебунисо ва Нодирабегимлар, Соҳибқирон Амир Темурнинг доно маслаҳатчиси Бибихоним покдомон оиланинг фарзандларидир."

Олима юксак баҳо берган фозила момоларимизнинг авлоди бўлган бугунги оқила, гўзал хотин-қизларимиз шарофатидан оилаларда ҳалоллик, поклик, самимият ва адолат муҳити ҳукмрон. Бу эса юксак маънавий ахлоқ нишонасидир. Оила тинч бўлса, жамият тинч. Оила пок бўлса, жамият покдир!

Истиқлол туфайли аёлнинг жамиятдаги мавқеи юксалди. Мустақилликнинг илк кунлариданоқ Юртбошимиз хотин-қизларимизнинг жамиятдаги мавқеини ошириш, оиладаги фаолиятини яхшилаш борасида қатор фармонларга имзо чекдилар. Ҳукуматимиз хотин-қизлар камолоти, уларнинг соғлиғи, маънавий тарбияси, ижтимоий фаолияти борасида ғамхўрлик қилиб келмоқда.

Ўзбек аёлига бугун дунё ҳавас қилади. Зардўз, каштачи, кандакор хотин-қизларимизнинг асарлари жаҳон кўргазмаларини безамоқда. Санъаткор аёлларимиз куй-қўшиқлари Ғарбу Шарққа таралмоқда. Аёл — фермер, шифокор, мураббий, жаҳон чемпиони, ҳуқуқшунос, тадбиркор, ҳунарманд, шоира, фан номзоди, фан доктори, академик, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон Қаҳрамони... Қўйингки, жамиятимиздаги барча жабҳаларда хотин-қизлар фаолдир.

Шу боис Баркамол авлод йилида ҳам аёл маънавияти, унинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ўстириш вазифасига аҳамият берилиши табиий. Зеро, баркамол авлод деганда, энг аввало, оналаримиз, мураббийлар, ўқитувчилар, хуллас, ўзини ёш авлод тарбиясига дахлдор деб билган жамики касб эгалари олиб бораётган ишлар назарда тутилади. Олдимизга қўйилган ушбу юксак вазифа ва юмушларни фидойи хотин-қизларимиз масъулият билан бажаришларига ишонамиз.

Садриддин Салим БУХОРИЙ

ТАҚРИЗ

ЭЗГУЛИККА ЙЎҒРИЛГАН ИЖОД

Ижод қилиш учун ижодкор мамлакатнинг қай гўшасида яшаётгани аҳамиятсиз. Адиб Ватанимизнинг турли манзилларида туриб, унинг эришаётган ютуқларидан олам-олам илҳом олади. Шу маънода Ватанимиз ҳаётини бадиий образлар орқали тараннум этишга хизмат қилаётган барча адиблар ўзбек адабиётининг тенг ҳуқуқли вакиллари саналади. Хусусан, бугунги ўзбек адабиётини Андижонда яшаб, қалам тебратган ва тебратаётган Восит Саъдулла, Исмоил Тўлак, Олимжон Холдор, Фарид Усмон, Наби Жалолиддин, Хуршида, Замира Рўзиева каби ижодкорларсиз тўла тасаввур қилиш қийин. Улар орасида Қамчибек Кенжа номи алоҳида ажралиб туради.

Қамчибек салкам 50 йилдан буён ўзбек адабиётининг ривожи учун муносиб ҳисса қўшиб келаяпти. Унинг ижоди жуда эрта бошланди. Саккизинчи синфда ўқиётган пайтидаёқ Қамчибек шоир сифатида танилган ва шеърлари туман газетасида босилиб турар эди. Шундан буён у катта бадиий ижод йўлини босиб ўтди. Ижодини назмда бошлаган адиб етмишинчи йилларда насрда ҳам ўз кучини синаб кўра бошлади. 1974 йилда унинг "Яшил барг" номли илк ҳикояси "Шарқ юлдузи" журналида босилиб чиқди. Шундан сўнг адибнинг "Соҳилда", "Балиқ ови" сингари ҳикоялари кетма-кет нашр қилинди. Бу асарларни ўқувчилар илиқ кутиб олишди. Адабиёт дарғаларининг ҳам муносиб баҳосини олди. Бундан илҳом олган адиб ўзининг бутун куч-қудратини насрга қаратди.

Қисқа давр ичида "Кўнгил кўчалари", "Ишқинг тушса", "Орзумандлар", "Нотаниш гул", "Тоғ йўлида бир оқшом", "Соҳилдаги сув париси", "Қизил гуллар", "Соҳибжамол аёл сири", "Хамир учидан патир ёхуд кулча ҳикоялар" сингари китоблари дунёга келди. Бу китоблар Матёқуб Қўшжонов, Озод Шарафиддинов, Умарали Норматов сингари йирик адабиётшуносларнинг назаридан ўтди.

Адибнинг ўзбек маданияти ва маънавиятининг жонкуяри Зокиржон Машрабов раҳбарлигидаги Бобур номидаги халқаро илмий экспедиция аъзоси сифатида Бобур юрган йўллар бўйича сафарда бўлиши унинг ижодида катта бурилиш ясади. "Ҳинд сориға", "Андижондан Даккагача", "Афғонистон бўйлаб 17 кун", "Андижондан Боғдодгача" каби асарлари ўзбек сафарномачилиги тарихида янги саҳифа очди. Бу сафарномалар оддий публицистик хусусиятга эга бўлиб қолмасдан, ўзининг юқори бадиийлиги билан эътиборга моликдир. Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов Қамчибек Кенжа сафарномаларига тўхталиб, унинг ўзбек насрида ўзига хос бадиий жанр яратганини таъкидлаб ўтгани ҳам бежиз эмас.

2006 йилда адибнинг икки жилдли сайланма асарлари "Шарқ" нашриёт-матбаа компанияси томонидан нашр қилинди. Сайланманинг биринчи китобига адибнинг саралланган шеърлари, таржималари, ҳангома, ҳикоя ва хотиралари, иккинчи китобга эса ҳикоя ва қиссалари адабий мулоҳазалари, қатралари киритилган.

Кўриниб турибдики, адиб ижоди адабий жанр жиҳатидан хилма-хил. Биринчи жилддан ўрин олган шеърлари мавзу жиҳатдан ҳам, вазн жиҳатдан ҳам ранг-баранг. Бармоқ вазнидаги шеърлар билан бирга ўндан ортиқ сарбаст, ўттиздан ортиқ аруз вазнидаги шеърларни ўз ичига олади. Сайланмага кирган шеърларда муҳаббат мавзуси етакчилик қилади: онага, ёрга, Ватанга муҳаббат.

Шоир туғилган қишлоғидан, унинг гўзал манзарасидан ғурурланиб толмайди. Ва уни куйлашдан толмайди, қишлоқ аҳли, бутун халқи хизматига камарбаста эканини баён қилади:

Қонимдадур она юрт меҳри,
Сиздай буюк халқи азимга.
Нафасимда меҳрингиз сеҳри,
Шеърим билан келдим таъзимга.

Шоир шеърларида ташбеҳлардан, ўзига хос жонлантиришлардан фойдаланади. Бу ташбеҳлар ва жонлантиришлар асар таъсирчанлигини, бадиий-эстетик қимматини янада оширади. Хусусан, умр йилларининг ўтиб бориши дарахт япроқларининг ҳар йили янгиланишига ўхшатилади.

Сайланманинг иккинчи жилди йигирмага яқин ҳикоя, битта қисса, битта адабий танқид ва юздан ортиқ дилда туғилган гапларни ўз ичига олади. Ранг-баранг мавзулардаги ҳикояларда сахийлик, меҳмондўстлик, бағрикенглик сингари қадриятларни улуғлаш, хушомадгўйлик, худбинлик сингари иллатларни фош қилиш етакчи ўринни эгаллайди.

Хусусан, "Балиқ ови" ҳикоясида хушомадгўйлик касалининг фожиали оқибатлари очиб берилган. Тили содда ва таъсирчан. Оиланинг оғир мусибатига сабабчи бўлган "балиққўр"нинг очкўзлиги ва отасининг хушомадгўйлиги бола тилидан баён қилинади. Боланинг шумоёқ "меҳмон"га бўлган нафрати унинг балиққўр ҳақидаги ҳар гапида очиқ билиниб туради.

"Эгасини топмаган насиба" ҳикояси меҳр-оқибат мавзусига бағишланган. Бу ҳикояда қишлоқ одамларининг соддалиги, кўнглигина эмас, қўли ҳам очиқлиги, инсон қадр-қимматини устун қўйиши йўловчи — мижоз образи орқали очиб берилади. Такси ҳайдовчиси бўлган Рихсининг кўзига пул кўринади. Шунинг учун мижознинг узоқ йўлдан пули, вақтини аямай курсдошлар дийдорини ва суҳбатини қўмсаб келиши, учрашув жойини эринмай қидириши Рихсивойни таажжубга солади. Унинг хатти-ҳаракатларига ўз ўлчови доирасида баҳо беради: "Курсдошлар эмиш. Ҳаммаси ҳар жойдан келган, тутуми, одати ҳар хил одамлар эл бўлармиди бир-бирига? Ўн йил бир синфда ўқиган ҳамқишлоқлар бегона бўлиб кетишади-ю. Курсдошлар ҳам йўловчилардай гапда. Уч-тўрт йил бирга ўқишади, кейин ҳар қаёққа тарқаб кетишади. Бир кеча бирга ўтирдинг нима бўлди-ю, ўтирмадинг нима бўлди. Ҳа, энди келишга кепсан, оғайнингни тополмадинг, кўчама-кўча санғиб юрасанми? "Меҳмонхона"да люкс жойни олиб, қўл-оёғингни узатиб ёт, дамингни ол! Эртага ё Раззоқ, топарсан ўша ҳамтовоқларингни..."

Манзилини тополмаган мижоз дўстларига аталган бир чамадон насибаларини ҳам унга очиққўнгиллик билан қолдирганидан лол қолган Рихсивой ўз хаёлидан пушаймон бўлади. Чўнтагида мижоз берган беҳисоб кира пулини чангаллаб, уялганидан бармоқлари титрайди.

Сайланмага кирган асарларда бундай воқеаларни хоҳлаганча учратиш мумкин. Лекин шу баён қилинганларнинг ўзиёқ Қамчибек Кенжанинг бадиий маҳоратидан далолат беради. Унинг ижоди адабий танқидчилар диққатини тортиши ва муносиб баҳосини олишига ишончимиз комил.

Тўлан НИЗОМ,
Ўзбекистон халқ шоири

Фильмлар намойиши бошланди

Ҳар йили "Ўзбеккино" Миллий агентлигида давлат буюртмаси билан суратга олинган фильмларнинг намойиши ва шу фильмлар муҳокамасига бағишланган ижодий конференция ўтказиш анъана тусига кирган.

Кечадан бошлаб пойтахтимиздаги Киночилар уйида томошабинлар эътиборига экран асарларини тақдим этиш бошланди. Дастлаб режиссёр Собир Назармуҳаммедов суратга олган "Нариги соҳилда қолган болалик" кинофильмининг тақдимоти бўлди. Инсон ҳаётида ўчмас из қолдирадиган хотираларни эслаш орқали ҳаёт мазмуни ҳақида мулоҳаза юритишга ундайдиган бу асар томошабинларда яхши таассурот қолдирди. Тушдан кейин эса замонавий муаммолар хусусида баҳс юритувчи "Сўнгги лаҳза" картинаси намойиш этилди.

Фильмлар намойиши доирасида ижодкорлар билан учрашувлар, матбуот анжуманлари, қизиқарли савол-жавоблар ўтказилиши кутилмоқда.

Дилфуза МАРДОНОВА

ТАБИАТ ВА ИНСОН

Тилсиз дўстлар даврасида

Тоғ ён бағрида жойлашган қишлоқлардаги содда, бағрикенг одамларнинг суҳбатида бўлсангиз, биз билан бир заминда яшаётган жониворларга ўзўзидан меҳрингиз товланиб кетади. Жиззах вилоятининг Бахмал туманидаги "Музбулоқ" қишлоғида бўлганимда, айиқнинг қишлоқдаги булоқдан бемалол сув ичиб кетиши, ҳеч ким унга қаршилик қилмаслиги ҳақида гапириб беришди.



"Айиқни ҳеч ким тутишга ҳаракат қилмайдими?", — деганимда қишлоқ оқсоқоли Сулаймон ака Эсонов: "Биз ундай қилмаймиз. У полвон, полвоннинг ғашига тегсангиз, нима бўлишини яхши биласиз", — дея табассум қилди. Яна бир тоғли ҳудудда бўлганимда мезбон:

—Уйимизга ўрганиб қолган илон бор. Ҳовлимизда айланиб юради, аммо одамга зарар бермайди. Каламуш, сичқон каби зараркунандаларни тутиб ейди. Агар кўриб қолсангиз, ҳайиқиб ўтирманг тағин, — деганди. Албатта, илон сўзини эшитган ҳар қандай кишининг эти жунжикиши табиий. Лекин табиатнинг бундай қўрқинчли жонзоти билан тил топишадиганлар ҳам бор экан!

Ҳа, табиатнинг биз билмаган сир-асрори бисёр. Ҳар қандай мушукни узоқ жойларга адаштириб келсангиз, орадан кўп вақт ўтмай, ўзи яшаган уйни топиб келишидан ҳайратга тушмасликнинг иложи йўқ. Қалдирғочлар ҳам ҳар йили қадрдон уясини адашмай топиб келади. Буни менга учирма бўлаётган қалдирғочнинг оёғига ип боғлаб юборган бир танишим айтиб берганди.

Хонаки ҳисобланадиган уй ҳайвонларидан ҳар бирининг одамларга фойдаси бисёр. "Жонли соат" — хўроз эрталаб қичқириб, барчани уйғотади. Ит ҳовлимизни қўриқлайди. От-чи!

Бу жонивор ҳақида жуда кўп гапириш мумкин. Ғаллаорол туманининг Ғўбдинсой қишлоғида бўлганимда, Соат Ирисбоев исмли нуронийнинг айтиб берган гапларини сизга ҳам илингим келди.

— Шу жониворга қанчадан-қанча зуғум ўтказмадилар. Ўтган асрнинг 70-йилларида юқорининг шахсий отлар йиғиштириб олиниб, гўштга топширилсин, деган буйруғи чиқди. Чавандозлар уйидан чиқмай қўйишди. Менинг ҳам кўпкари чопадиган қорабайир зотли отим бор эди. Бермайман, ўрнига ҳар йили гўшт топшираман, десам ҳам кўнишмади. Ахийри, уларнинг гапи амалга ошди... Эссизгина, ундан насл олиб қолмаганимга ҳали-ҳануз ачинаман.

— Битта отга бунчалар меҳр қаердан? — сўрадим отахондан.

— Э, ўғлим, мен узоқ йиллар чавандозлик қилганман. Унинг хислатларини айтсам, ишонмайсиз. Улоқни олиш учун тўдани ёриб киришда унга тенг келадиган от йўқ эди. Ердан улоқни олаётганимда, мақсадни англагандек чўккаларди. Кейин маррага қараб шамолдай учарди. Бир куни кўпкаридан қайтаётиб, йўлда чарчаганимни сездим. Айни буғдой ўрилиб, дала сомондан тозаланаётган пайт эди. Отимнинг юганини олиб, эгарини бироз бўшатиб, қўйиб юборгач, сомоннинг устига чўзилдим. Кўзим илинибди. Сал ўтгач, отнинг қаттиқ кишнаганини эшитиб, уйғониб кетдим. Қарасам, сал нарида нақ билакдай келадиган қора илон ярмигача ердан кўтарилиб, менга ташланаман деб турибди. Бир томонда от, бир томонда илон, ўртада мен... Қимирласам, илон чақади! Шунда жониворим устимдан сакраб ўтиб нағалли туёқлари билан илоннинг бошини мажақлади. Мўлжални тўғри олганини айтмайсизми!.. Ўшанда миннатдорчилигимдан отимни қучоқлаб, роса йиғлаганман.

Биз бу дунёда ёлғиз эмасмиз. Бизни қуршаб турган борлиқ, ундаги жониворлар кўп ҳолларда яшашимиз учун кўмаклашади. Оддий дарахт одамларга бир олам кислород бераётганини билгани ҳолда уни босиб, топтаб кетадилар... Кечаси билан ҳовлимизни қўриқлаб чиққан итни вақти-вақти билан занжирдан бўшатишга, озиқлантиришга "вақт" тополмаган пайтларимиз бўлади. Ҳар куни ўз оғирлигига тенг ҳашаротларни еб, санитарлик қилаётган қалдирғочлардан уйимизнинг бўғотини аяймиз. Бу дунёда ҳамма гуноҳ ишларнинг жавоби бор дейишади. Шунинг учун ҳеч қачон унутмаслик керак: табиатнинг қонуни оддий — яхшилик қилсангиз, яхшилик кўрасиз, ёмонлик қилсангиз ёмонлик.

Пардабой ТОЖИБОЕВ

Болалар ток-шоуси. Илк марта

"Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида, республикада болалар журналистикасини ривожлантириш, ёш авлодни ҳар томонлама камолга етказиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирларни ҳар бир кишининг эътиборига етказиш учун телекўрсатувларнинг мавжуд имкониятларидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш мақсадида "7 март – Халқаро болалар телерадиодастурлари куни" муносабати билан болалар томонидан тайёрланган ва жажжи аудиторияга йўналтирилган кўрсатув ва лавҳалар, турли йўналишдаги ранг-баранг дастурлар НТТ телеканали орқали эфирга узатилди.

Дастурлар Ўзбекистон Электрон ОАВ миллий ассоциацияси томонидан Фонд форум, "Келажак овози" ЁТМ ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамкорлигида тайёрланди.

7 март куни соат 8.00 дан 17.00 гача бўлган вақт давомида "Янги авлод" студиясининг 3 та махсус кўрсатуви, "Келажак овози" ёшлар студиясининг 6 та кўрсатуви, "Болалар ҳудуди" ахборот дастурининг 2 та сони ва 15 та "Болалар репортажи", ижтимоий роликлар, кўплаб кинотабассум ва концерт дастурлари томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

Ўзбек журналистикаси тарихида илк маротаба болалар ток-шоуси тасвирга олинди. "Бахтли болалик учун" деб номланган ток-шоуни болаларнинг ўзлари олиб боришди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, педагог ва психологлар иштирок этган ток-шоуда болалар ҳуқуқларини таъминлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, "Баркамол авлод йили" Давлат дастурида назарда тутилган мақсад ва вазифаларга болаларнинг муносабати тушунарли, содда тилда муҳокама этилди.

Жамшид ҲОЖИАКБАРОВ

МАДАНИЯТ

Илмий жамоатчилик ўзбек мумтоз адабиётида Алишер Навоийдан кейин Муҳаммад Ризо Огаҳийни (1809-1874) энг йирик сиймо сифатида аллақачон эътироф этган. Бу ҳаққоний хулосада фақат миллий адабиётимиз асосчиси анъаналарининг хоразмлик ижодкор томонидан ривожлантирилишигина эмас, балки унинг юксак маҳорати, ҳайратомуз бадиий олам яратгани ҳам маълум. Зеро, Навоий шеърияти ўзбек адабиётининг XV асрдаги, Огаҳий асарлари эса XIX асрдаги юксак чўққиси сифатида таъкидланиши бежиз эмас. Бу ўринда ҳар иккала даҳо ижодиётидаги қатор муштарак ва ўзига хос жиҳатларнинг алоҳида ўрни бор. Улар яшаган даврни тўрт аср ажратиб турса ҳам, ғойибона адабий ворислик давом этади. Ҳар бири ўз даврида — Навоий Ҳирот адабий марказида, Огаҳий Хоразм адабий марказида ижодий жараённинг янги босқичини бошлаб берди.

МЕРОС

«НАВОИЙ НАВОСИДАН БАҲРА ТОПИБ...»



Биринчи марказда шоҳ Ҳусайн Бойқаронинг, иккинчи марказда Муҳаммад Раҳимхон Ферузнинг қалам аҳлига раҳнамолик қилганлари бунга ижобий таъсир кўрсатгани шубҳасиздир. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихида ўн бешдан зиёд жанрда салмоқли асарлар яратиш бахти Навоийга ҳам, Огаҳийга ҳам насиб этди. Навоий ва Огаҳий том маънода олим ва донишманд ижодкорлар бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз даври илмий тафаккурини турли фанларга оид орифона қарашлар билан бойитдилар. Улар тасаввуф, адабиётшунослик ва тил илми (Навоий), тарихшунослик, таржима (Огаҳий) соҳаларида ҳам устозлик мақомига эришдилар. Навоийнинг ижодий камолотида Жомийнинг устозлик рағбати қанчалик аҳамият касб этган бўлса, Огаҳийнинг бадиий ва илмий етукликка эришишида Муниснинг ўрни ҳам шунчалик каттадир.

Жанрлар ранг-баранглиги ва асарлар салмоғи ҳар бир ижодкор салоҳиятининг муҳим кўрсаткичи, лекин ягона шарти эмас. Бу жиҳатдан мумтоз шеъриятимизнинг анъанавий жанрларини энг кўп қўллаганлар ҳам Навоий ва Огаҳийдир. "Навоий навосидан баҳра топиб", "Хазойин ул-маоний"дан файз олган Огаҳийнинг маҳорати шундаки, лирикада навоийона мазмун кенглиги ва шаклий гўзалликни янада такомиллаштирди. Ижтимоий-эстетик моҳиятни умуминсоний қарашлар билан бойитди. Тўғри, "Огаҳийни ўзбек адабиётида мухаммас ва тахмиснинг асосчиси" (Уммат Тўйчиев) дейиш бироз бўрттириш ҳисобланади, аммо шоирнинг мухаммаслари бу жанрнинг энг мумтоз намунаси экани шубҳасиздир. Огаҳий Навоийнинг ғазалларига 30 дан ортиқ мухаммас боғлаган.

Маълумки, Навоий меросида бадиий, Огаҳий ижодида тарихий ва таржима асарлар ҳажм жиҳатдан салмоқли ўрин эгаллайди. Бинобарин, Огаҳийнинг 20 мингга яқин мисрадан ташкил топган "Таъвиз ул-ошиқин" девонининг ўзи уни юксак нафосат соҳиби ва буюк шоир сифатида машҳур қилди. Лекин девон Огаҳий бисотининг бир қисми экани ҳақидаги фикрларга бефарқ қараб бўлмайди.

Адабиётшунос Раҳмат Мажидийнинг изоҳлашича, Огаҳийнинг тарихий асарлари таркибидаги шеърий парчалар (асосан маснавий ва тўртликлар) "Таъвиз ул-ошиқин"даги мисралар сонидан кам эмас. Афсуски, бу ноёб назм хазинаси ҳозиргача деярли ўрганилмай, юзлаб саҳифаларда қўлёзма ҳолида қолиб келмоқда. Бизнингча, бу ўринда таржима асарларига (муқаддима ва хотима қисмларига) киритилган Огаҳий қаламига мансуб мустақил, шеърий парчаларни ҳам ҳисобга олиш адолатли бўларди.

Огаҳийнинг тарихий асарлари қоришиқ жанрлар намунасидир. Чунки уларда фақат тарихий воқеалар баёнигина эмас, балки бадиий наср билан шеърий парчалардаги эҳтирос шоирона уйғунлашган. Зеро, "Бобурнома"га ҳам тарихий, ҳам бадиий асар сифатида қаралар экан, "Фирдавс ул-иқбол" ва бошқа бешта тарихий асар ҳам шундай аталишга лойиқдир. Негаки, бу асарларни аслида бадиий солномалар, улар таркибидаги мустақил бадиий лавҳа, насрий эпизод ва ҳикоятларни ўша давр насрининг намуналари дейиш жоиз.

Огаҳийнинг таржима соҳасидаги ишларини чинакам ҳайрат, ижодда кам учрайдиган жасорат, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Зеро, адабиётшунос олим Нажмиддин Комиловнинг "...ўзбек адабиёти тарихида бу соҳада унга тенг келадиган ижодкор йўқ", деган хулосаси Огаҳийни таржимачиликнинг карвонбошиси сифатида эътироф этишга асос беради. Турли услуб ва йўналишдаги ўн тўққиз асарни она тилига муносиб ўгиришда юксак иқтидор, теран нигоҳ, чуқур билим ва фидойилик мужассам бўлгани шубҳасиздир.

Назаримизда, бу ўринда яна бир муҳим жиҳат эътиборга лойиқ. Огаҳий ўз таржималари билан XIV асрда Хоразмда Қутб, Ҳайдар Хоразмий ва Сайфи Сароий бошлаб берган бадиий таржимачилик анъанасини давом эттириб қолмай, уни юқори босқичга кўтарди, унга илмий таржимани ҳам қўшди ва бу соҳада алоҳида мактаб асосчисига айланди.

Ҳамдам АБДУЛЛАЕВ,
филология фанлари доктори.

СПОРТ

САБИНАНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

Ҳамюртимиз Сабина Шарипова Даккада бошланган теннис мусобақасида муваффақиятли қатнашмоқда.

Ҳамюртимиз турнирнинг яккалик беллашувларида дастлабки учрашувни ҳиндистонлик Санситха Нандакумарга қарши ўтказиб, 6:0, 6:1 ҳисобида зафар қучди.

Иккинчи даврада вакиламиз индонезиялик Синтия Мелитага қарши баҳс олиб борди ва учрашувни 7:5, 6:2 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилди. Энди у чорак финалга чиқиш учун ҳиндистонлик яна бир теннисчи Анкита Раина билан куч синашади.

ФАОЛИЯТИНИ ЯКУНЛАМОҚЧИ

Тўрт карра жаҳон чемпиони ва Туринда ўтказилган қишки олимпиада ўйинларининг кумуш медали совриндори россиялик биатлончи Николай Круглов жорий йилда спортдаги фаолиятини якунлашини маълум қилди. Аслида спортчи бу қарорга ўтган йили келганди, дея хабар тарқатди ИТАР-ТАСС.

— Мен жаҳон кубогида иштирок этишда ҳеч қандай мантиқни кўрмаяпман, — деди у журналистларга берган интервьюсида. — Тўғрисини айтишим керак, айни дамда руҳан анча толиққанман. Бу кайфиятсизлик мусобақалардаги иштирокимга салбий таъсир кўрсатади. Шу боис қароримга терма жамоамизнинг мураббийи ҳам қаршилик билдирмади.

МУСОБАҚАЛАРДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БУЗИЛАЯПТИМИ?



БМТ вакили Ракел Ролникнинг айтишича, футбол бўйича жаҳон чемпионати ҳамда Олимпиада ўйинлари инсон ҳуқуқларининг бузилиш ҳолатларини келтириб чиқариши мумкин. Унинг сўзларига қараганда, мусобақалар ўтказилаётган шаҳарлар маъмурияти ободонлаштириш ва қурилиш ишларини маҳаллий аҳоли ҳисобидан амалга оширмоқда. Баъзи ҳолатларда кам таъминланган оилалар шаҳар ташқарисига кўчирилмоқда. Ҳатто уларнинг айримларига яшашлари учун уй-жойлар ҳам ажратилмаган. Бу ҳолатга Халқаро олимпиада қўмитаси эътибор қаратаётган бўлса-да, ФИФА ҳамон муаммодан юз ўгирмоқда.

ФУТБОЛЧИ ҚАМОҚҚА ОЛИНДИ

Британиянинг «Лонг Лоуфорд» футбол клуби вакили Марк Чепмен ўйин вақтида рақибга чап бериб, унинг оёғини икки жойидан синдиргани учун олти ойга қамалди. Бу ҳақда The Daily Mail газетаси маълумот тарқатди.

ЖАНГ ЎТКАЗИЛМАЙДИ

Жорий йилнинг 29 майида WBC йўналиши бўйича оғир вазнда жаҳон чемпиони украиналик Виталий Кличко ҳамда россиялик чарм қўлқоп устаси Николай Валуев ўртасида режалаштирилган учрашув иқтисодий келишмовчиликлар сабабли ўтказилмайдиган бўлди. Бу ҳақда Германиянинг Bild нашри маълумот тарқатди.

Виталий Кличконинг менежери Бернд Бентнинг айтишича, мазкур жангда Валуевга 2,5 миллион доллар миқдорида гонорар таклиф этилган. Бироқ россиялик спортчининг америкалик промоутери Дон Кинг бу таклифни рад этган. Қолаверса, у Бернд Бент билан бирор марта учрашмаган, на янги шартнома таклиф этмаган.

Азим РЎЗИЕВ тайёрлади

"Manzur trans servis" МЧЖ "D" категорияли ҳайдовчиларни ишга таклиф этади.
Мурожаат учун телефон: 188-40-50

ТИББИЁТ

Дўлананинг хосияти



Дўлана — бўйи тўрт метрга етадиган бутасимон дарахт. Новдалари қизил рангли тиканлар билан қопланган. Гуллари сарғиш, оқ рангли, кучсиз ҳидга эга бўлиб, қалқонсимон тўпгулни ҳосил қилади. Унинг меваси кузда пишиб етилади ва йиғиштирилиб, йил бўйи истеъмол қилиш учун сақланади. Меваси тўқ қизил ёки оч сариқ рангда, ҳидсиз бўлади.

Халқимиз дўланани "чўл олмаси" деб ҳам айтади. Чунки унинг дарахти ва япроқлари олманикига ўхшаб кетади. Лекин меваси олмадан анча кичик. Дўлана, асосан, Марказий Осиёда, Швециянинг жанубида, Қора денгизнинг ғарб томонида, Сицилия, Грецияда ва юртимизнинг тоғли ҳудудларида ўсади.

Тиббиётда дўлананинг гули ва мевасидан фойдаланилади. Баъзан ёш новдаларидан ҳам малҳамлар тайёрланади. Мевасининг таркибида сорбит, холин, ацетилхолин, флавоноидлар, ошловчи моддалар ва бошқа бирикмалар мавжуд. Шу билан бирга унда витексин гликозиди, лейкоцианидин, биозид, рутин, пурин ҳосилалари бор. Шу сабабли унинг мевасидан бир қатор касалликларни даволашда кенг фойдаланилади. Ундан тайёрланган дорилар юрак қон-томир касалликларини даволашда ажойиб малҳам ҳисобланади. Мевасининг суюқ экстракти мураккаб дори омили — "Кардиовален" таркибига киритилган.

Таъкидлаш жоиз: дўлана юрак ревматизмида, уйқусизликда, климакс даврида, паришонхотирлик (атеросклероз) бошланишида, қон босими ошганда яхши наф келтиради. Халқ табобатида мева ва гул дамламаси юрак уриши тезлашганда, йўтални қолдиришда, асаб хасталигида тинчлантирувчи дори ўрнида тавсия этилади. Ични тўхтатувчи хосияти ҳам бор.

Эслатиб ўтамиз, дўлана Абу Али ибн Синонинг таъбирича, меъдага зарарлидир. Шу боис меъда хасталигига чалинган кишилар уни истеъмол қилишдан чекланишлари даркор.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,
доришунос.

БАДИА

МЕҲР

Ёшлигимда отам мени "онам", укамни эса "отам" деб эркаларди. Ўша пайтда бу сўзларга эътибор бермаган, ҳатто ўйлаб ҳам кўрмаган эканман. Вақт ўтиши билан ҳаммасини тушуна бошладим...

Қиш кунларининг бирида кўчада ўртоқларим билан ўйнаётган эдик. Эҳтиётсизлигим туфайли йиқилиб тушдим. Оёғимнинг оғриғига чидолмай, додлаб йиғлай бошладим. Овозимни эшитган отам эгнига тўнини ҳам киймай кўчага югуриб чиқди. "Ие, менинг она қизимга нима бўлди?" — деб сўради эркалаш оҳангида. Болалар бараварига "Йиқилиб тушди, йиқилиб тушди", "Оёғи оғрияпти", — дея чуғурлашди. Отам бошимни силаб: "Она қизим йиғламагин. Икки-уч кундан кейин яна кўчага чиқиб ўйнайверасан. Худо хоҳласа, оёғинг тузалиб кетади", — деди. Унинг нигоҳида чексиз адоқсиз меҳрни кўриб турардим.

Бир ҳафтага қолмай оёғим тузалиб кетди. Оғриқлар унутилди. Лекин отамнинг меҳр тўла нигоҳи юрагимда бир умрга муҳрланди. Болалик даврим ўтиб, улғайганимда ҳам меҳрибоним мени ардоқлашдан чарчамади. Отамдан кейин бундай меҳрни ҳеч кимдан тополмадим...

Орада кўп қорли, қировли фасллар ўтди. Ана шундай қаҳратон кунларнинг бирида ишдан қайтаётиб, сирпанчиқ ерда оёғим қайрилиб кетиб, йиқилиб тушдим. Оғриқнинг зўридан беихтиёр бақириб юбордим. Икки йўловчи йигит ёнимга югуриб келишди:

— Опа, нима бўлди? Ёрдам керакми? Ёки "Тез ёрдам" чақирайликми?

Уларнинг саволларига жавоб беришга ҳам улгурмадим. Ёнимизга ҳарбий кийим кийган бир киши яқинлашди-да:

— Синглим, йиқилиб тушган кўринасиз. Агар рухсат берсангиз, оёғингизни бир текшириб кўрсам. Мен ҳарбий шифокорман, — деди.

Оёғимни текшириб кўриб:

— Омадингиз бор экан, синмабди. Фақатгина бироз лат еган. Ўзингиз юра оласизми? — деб сўради.

Бир амаллаб ўрнимдан турдим-да, юришга ҳаракат қилдим. Беш-олти қадамча юрганимдан кейин оғриқнинг зўридан яна тўхтаб қолдим. "Такси" тўхтатишга тўғри келди. Ҳайдовчи аҳволимни кўриб, машинасини кўпқаватли уйимизнинг эшиги олдигача ҳайдаб бориб, тўхтатди. Ана энди бешинчи қаватга чиқишим керак. Не азоблар билан хонадонимга етиб келганим ўзимга ва Яратгангагина аён.

Эшикни турмуш ўртоғим очди. Нима воқеа юз берганини айтдим. Йўлакда пойабзалимни ечишга ҳаракат қилиб, уддасидан чиқолмадим. Курси кўтариб келган қизим: "Онажон, сиз ўтиринг, мен ўзим ечиб қўяман", — деди. Оёғимнинг оғриғидан эмас, ўзимнинг ночорлигимдан йиғлаб юбордим. Шу пайт олдимга ўғлим югуриб келди-да: "Ие, ойижонимга нима бўлди?" — деб сўради.

Ўзгача, таниш бир оҳангда айтилган сўзларни эшитиб, вужудим алланечук титраб кетди. Бошимни кўтарганимда, қаршимда ўғлим эмас, меҳр тўла нигоҳи билан отам қараб тургандек эди...

Фақатгина фарзандлар она каби ғамхўр, ота каби меҳрибон бўлиши мумкин экан. Ҳар гал уларни "она қизим", "отамболам" дея эркалаб, бағримга босганимда, қачонлардир йўқотган азиз нарсамни топгандек бўламан.

Лобар РАҲИМЖОНОВА

Шароф МИРЗО

Манзум ҳикматлар

"Бўлмагин ундоғу юрмагин бундоқ" —
Яхши насиҳат ҳам наф берур, бироқ
Ўйлатар баъзида шундай бир сўроқ:
Насиҳатгўйларнинг ўзлари қандоқ?

* * *

Ошиқ булбул гул боғида бўлмаган чоғлар
Гул атрофин айланадур калхату зоғлар.

* * *

Ўртамиёнликни танла, шунда барака анча,
Ўртанча бармоғингни кўр, баридан новча.

* * *

Чўққига чиқай деб қилма ўжарлик,
Сирпаниб кетмагин, нарёғи жарлик.

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. ISSN 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Зафар САИДОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририятга келган хатларга ёзма жавоб қайтарилади.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
e-mail: hurriyat@doda.uz
Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11
Андижон — 8-374-250-90-39
Бухоро — 8-365-592-85-02
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Тошкент — 8-370-383-97-53
Қашқадарё — 8-375-310-17-73
Сирдарё — 8-372-366-99-21
Сурхондарё — 8-376-370-12-01
Фарғона — 8-373-225-80-58
Хоразм — 8-362-224-73-33

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Азим РЎЗИЕВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 23.00

® — тижорат белгиси.

Адади: 17280 Буюртма — Г-226 1 2 3 5

ФАХР

Кешнинг икки буюк набираси

Шаҳрисабз — наинки юртимиз, айни чоғда дунёнинг энг қадимий шаҳарларидан ҳисобланади. Юнон тарихчиларидан Геродот, Ктесий ва бошқаларнинг маълумотларига қараганда, қадимда Кеш деб аталган бу шаҳар милоддан аввалги V асрларда ҳам мавжуд бўлган. XIII асрдан бошлаб "Шаҳрисабз" ("Яшил шаҳар") деб атала бошланган шаҳар, айниқса, Амир Темур даврида ривож топди. Хусусан, Соҳибқирон 1370 йили Самарқандга кўчиб ўтгунга қадар қўл остидаги ҳудудларни Шаҳрисабздан туриб бошқарган. Жаҳонга машҳур Оқсарой ва шаҳарнинг жанубий-ғарбидаги Жаҳонгир мақбараси ўша даврда бунёд этилган. Унинг қурилиши билан йирик мемориал комплекс вужудга келди: Дор ус-Сиёсат, Дор ут-Тиловат, Гумбази Сайидон, мачит, мадраса, ҳаммом, карвонсарой каби иншоотлар барпо этилди. Қози гузар масжиди, Хўжа Илм кон хонақоси, Шамсиддин Кулол мақбараси ва бошқа архитектура обидалари бугун ҳам қадим кент чиройига кўрк қўшиб турибди.



Шаҳрисабз шаҳри истиқлол йилларида мисли кўрилмаган даражада чирой очди. Ўзининг гўзал обидалари билан донғи кетган Шаҳрисабз икки буюк набираси билан ҳақли равишда фахрланади. Улар гарчи Ҳиндистонда туғилиб, ижод қилган бўлсалар-да, аслида ўзбек эди.

ҲИНД СЕҲРГАРИ

Яминиддин Абулҳасан Амир Хусрав Деҳлавий 1253 йили Ҳиндистоннинг ҳозирги Уттар-Прадеш штатининг Итова округида таваллуд топади. Унинг отаси Сайфиддин Маҳмуд асли шаҳрисабзлик бўлиб, мўғуллар истилоси вақтида Ҳиндистонга кўчиб кетганди. Деҳли султонларидан Шамсиддин Элтутмиш Амир Сайфиддинга юксак ҳарбий рутба беради. Кейин у обрўли оилалардан бирининг Давлатноз исмли қизига уйланади. Уларнинг илк фарзанди Яминиддин Хусрав эди.

Сайфиддин Маҳмуд мўғулларга қарши Ҳиндистондаги жангларнинг бирида ҳалок бўлгач, ёш Хусравни она томондан бобоси Имодулмулк ўз тарбиясига олади ва 8 ёшга тўлгач, тасаввуфчи Шайх Низомиддин авлиёга шогирдликка беради. Шайх уни шоирликка йўллаб, янгиянги асарлар ёзишга илҳомлантиради. Хусрав Деҳлавий кейинчалик бу устозига "Афзал ул-фавоид" ("Фойдали сўзларнинг афзаллиги") ва "Роҳат ул-муҳиббийн" ("Дўстликнинг роҳати") асарларини бағишлайди.

Хусрав Деҳлавий йигирма ёшларида таниқли шоирлар қаторидан ўрин олади. Саройга ишга таклиф этилади ва қарийб 30 йил амирлик рутбасида хизмат қилади.

Унинг тасаввуф ва шеърият борасидаги изланишлари, мутолаалари бежиз кетмади. У ўз даврининг машҳур форсийзабон шоирларидан бирига айланди. Довруғи Эрон ва Туронга ҳам ёйилди. Шайх Озарийнинг "Жавоҳир ул-асрор" ("Сирлар дурдонаси") китобида айтилишича, Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий умрининг охирида Амир Хусрав билан кўришиш ва суҳбатлашиш мақсадида Форсдан Ҳиндистонга келади.

Хусрав Деҳлавий машҳур Озарбойжон шоири Низомий Ганжавий "Хамса"сига жавобан "Матлаъ ул-Анвор" ("Ёритгичларнинг чиқиши"), "Мажнун ва Лайли", "Хусрав ва Ширин", "Оинайи Искандарий", "Ҳашт беҳишт" ("Саккиз жаннат") каби беш достондан иборат "Хамса" яратади. Булардан ташқари шоир "Қирон ассаъдайн" ("Икки саодатли юлдузнинг туташиши"), "Маноқиби Ҳинд ва тарихи Деҳли" каби асарлар ҳамда кўп қасидалар ёзган.

Хусрав Деҳлавийнинг ижодий мероси кейинги асрларда ҳам кўплаб шоирлар учун юксак маҳорат мезони бўлиб қолди. Ҳофиз Шерозий унга назиралар ёзди. Жомий ва Навоий бир қанча асарларини унинг достонлари, қасидаларига жавоб тарзида ёзганлар. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар жамғармасида Деҳлавийнинг "Панж ганж" мажмуасига кирган достонларининг Ҳофиз Шерозий қўли билан кўчирилган нусхаси сақланмоқда.

Жавоҳарлаъл Неру "Ҳиндистоннинг кашф этилиши" номли китобида: "Илк мусулмонлар томонидан ҳинд тилида кўп ажойиб китоблар ёзилган. Бу хилдаги ёзувчилар орасида энг машҳури XIV асрда бир неча афғон султонларининг идора қилган даврларида яшаган турк Амир Хусравдир", — деб лутф қилганди. Газал мулкининг султони Алишер Навоий "Ҳинд сеҳргари" деб таъриф-тавсиф қилган Хусрав Деҳлавий 1325 йили Деҳлида вафот этади.

АМИР ХУСРАВ ДЕҲЛАВИЙ ҲИКМАТЛАРИДАН:

Ҳалол ишлаб топсанг, гар арпа донин —
Яхшидир егандан биров оқ нонин.

* * *

Иш вақти бўлмагил ғофил, паришон.
Охири меваси бўлур пушаймон.

* * *

Кимки билимсизлик зиндонида гум,
Гадодир тиллоси бўлса ҳам юз хум.

* * *

Одамнинг шарафи илмининг мўли,
Кимки доно бўлса, мен шунинг қули.

* * *

Мева берса дарахт битта бутоғдан,
Шу дарахт яхши минг мевасиз боғдан.

МАЪНОЛАР ОТАСИ

Мирзо Абдулқодир Бедил 1644 йили Бенгалиянинг Азимобод шаҳрида туғилган. Ота-бобоси шаҳрисабзлик. Бир ёшида отадан етим қолган Бедил онасининг тарбиясида вояга етади ва беш ярим ёшида мактабга боради. 10 ёшидаёқ араб, форс тили ва адабиёти, умумшарқ адабиётини чуқур ўрганади. Амакиси Мирзо Қаландар, тоғаси Мирзо Зарифларнинг ёрдами туфайли тасаввуф фалсафасини чуқур ўрганди, ҳинд ва урду тилларини ўзлаштирди, Аристотель фалсафасини кенг мушоҳада этди. Шайх Камол ва Мирзо Абдулқосим каби олимлардан таълим олди.

Бедил мураккаб тарихий шароитда ҳаёт кечирди ва ижод қилди. Бу даврда минтақада ички қарама-қаршиликлар кескинлашган эди. Ҳиндистонда Шоҳ Жаҳон (1628-1658) ва Аврангзеб (1658-1707) подшоҳлик қилди. 1707-1720 йиллар давомида эса бобурийлар империяси тахтида ўн бештадан ортиқ ҳукмдор ўзгарди. Ғарбий Европа давлатлари Ҳиндистон территориясини ўз мустамлакаларига айлантира бошлади.

Бедил ўзи яшаган даврга, муҳитга бефарқ қарамади. Ҳиндлар ва мусулмонларни бирлаштиришга интилди. У одамларнинг ҳаммаси ҳам инсон эканини, аммо уларнинг орасида золимлар борлигини қайд этиб, салбий хусусиятларини танқид қилди. Инсон зеҳнининг ўткирлигига, ҳақиқатнинг енгилмаслигига қаттиқ ишонган шоир ширин хаёл, яхши ният, эзгу орзу-ҳавас қилган, Ватанини обод, халқини тинч-осойишта, шод-хуррамликда, ҳамжиҳатликда кўришни истаган. Аммо бу фикрлар ўша даврда сароб эканини тушуниб етмаган.

Кейинчалик Деҳлига кўчиб, ўз адабий мактабини ташкил қилди. Мусулмон шарқ адабиёти ва фалсафасига доир асарлар ёзди. 130 минг мисра шеърий, 50 босма табоқ насрий асар ёзган. "Куллиёт"и 1882 йилда Бомбайда нашр этилган. "Таркибот ва Таржеъот" тасаввуф тўғрисидаги шеърий асаридир. "Тилсими ҳаёт" асарида инсоннинг жисмоний вужуди ва руҳияти ҳақида сўз боради. "Муҳити аъзам" асарида жом, най, танбур ва бошқа мусиқий асбоблар хусусидаги фикр-мулоҳазалари ифода этилган.

Бедил "Чор унсур" асарида сув, ҳаво, ер ва олов, одам, табиат ҳамда ҳайвонотнинг пайдо бўлиши ҳақидаги илмий-фалсафий қарашларини баён этган. "Ирфон" асарида адабиёт, фалсафа ва социология ҳақида сўз боради. Бедилнинг фалсафий қарашлари, ижтимоий ҳаётга муносабати унинг "Ирфон" китобига кирган "Комде ва Мудан" достонида мужассамлашган. Асар Шарқда кўп тарқалган "Лайли ва Мажнун", "Фарҳод ва Ширин" достонлари каби фожиа билан эмас, севишганларнинг қовушиши билан хотима топади. Бу асари билан Бедил шеъриятнинг юқори чўққисига кўтарилди. Унинг "Нукот" ("Ҳикматли сўзлар") асарида фалсафий ақидалари қисқа жумлаларда ифодаланган. Бедил инсоннинг қадр-қиммати ва афзаллигини унинг меҳнатида деб билади. Файласуф шоир сув набототга қанчалик зарур бўлса, ҳунар ҳам инсонга шу даражада зарурлигини айтади.

Марказий Осиёнинг Ҳиндистон билан қадимдан иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаси Бедил ғояларининг минтақамизда кенг тарқалишига сабаб бўлди. Унга "Абулмаоний" ("Маънолар отаси") деган фахрли ном берилди. Халқ орасида унинг инсонпарварлик ғояларини тарғиб этувчи гуруҳлар юзага келди ва шоир асарларини ўқиб берувчи "Бедилхонлар" пайдо бўлди.

МИРЗО АБДУЛҚОДИР БЕДИЛ ҲИКМАТЛАРИДАН:

Инсон агар жаҳд қилгудек бўлса бирам,
Ерга олиб тушгай баланд осмонни ҳам.

* * *

Кимки ҳаёт шаъмин илм ила ёқди,
Ҳаёти асрлар сўнмади, балқди.

* * *

Аввал ғиштин қийшиқ қўяркан меъмор,
Юлдузга етса ҳам қийшиқдир девор.

* * *

Ҳиммат камарини боғлаган ҳамон,
Чумоли енгади шерни бегумон.

* * *

Адоват этакка туташмасин, боқ,
Жаҳонга ўт қўяр мисоли чақмоқ.

Ю.ВАЛИҚУЛОВ,
Термиз давлат университети доценти,
Ш.ДАВЛАТОВА,
ўқитувчи.

ФИКР

Қалб қуёши

Бир зум оламни қуёшсиз ҳолатда тасаввур этинг. Ер кўкни зулмат қамрайди. Кўзингиз қанчалик ўткир бўлмасин, ҳеч нарсани илғаёлмайсиз. Бутун борлиқ фақат бир рангга — қоп-қора тусга киради. Юрадиган йўлингизни, борадиган манзилингизни йўқотасиз. Одимлаганда ҳам тусмоллаб, оёғингиз остида нима борлигини аниқ билолмай қадам қўясиз. Зулматдаги ҳаёт эса маъносиз, мазмунсиз...

Маънавиятни инсон қалбининг қуёшига қиёслаш мумкин. Қуёш она замин узра беминнат ёғдуси, ҳарорати билан ҳаётга мазмун бағишласа, маънавият қалбга нур, мусаффолик улашади. Ватанпарварлик, меҳр-муҳаббат, виждон, қаноат, эътиқод, оқу, қорани фарқлай олиш, қўйингки, инсондаги барча юксак фазилатлар ана шу нурдан қувват олади, камол топади.

Қуёш тўхтовсиз кечаётган физикавий-кимёвий ҳодисалар натижаси экани турфа тахминлар, илмий тадқиқотлар ва кузатишлар натижасида муайян даражада ўрганилган.

Қалб қуёши-чи? У қандай ҳодиса маҳсули? Моддий бойлик, ҳовли-ҳашамми? Егани олдида, емагани ортида кечаётган турмуш тарзими? Йўқ, албатта!

Шу ўринда бир воқеа ёдимга тушди. Туманларнинг бирида "Бухоронома" вилоят газетаси таҳририятининг етакчи ижодий ходимлари иштирокида газетхонлар билан учрашув ўтказдик. Албатта, тадбирга анча ҳозирлик кўрилди ва туман марказидаги колежга ҳудуддаги фаол газетхонлар, маҳаллалар фаоллари, турли соҳалар вакиллари таклиф этилди. Тадбирда ижодий режаларимиз, ёритилаётган материалларнинг долзарблиги, эътибордан четда қолаётган мавзулар хусусида гап борди. Ўзаро фикр-мулоҳаза алмашилди. Турли таклифлар ўртага ташланди. Аммо ўша куни туман раҳбари бу учрашувга кела олмади. Ҳоким ўшанда қандайдир бошқа юмушлар билан машғул бўлиб, журналистларга вақт ажрата олмагандир. Лекин ишончим комилки, учрашувга озгина фурсат топганида билдирилган фикр-мулоҳазалар, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари хусусидаги фикрлар бу раҳбар учун фойдадан ҳоли бўлмас, эҳтимол унинг қайси масалага эътиборини кучайтиришга ундаши, маънавий дунёсининг қайсидир хира тортган нуқталарини нурлантириши, қарашларига, жиндай бўлса-да, ижобий таъсир кўрсатиши мумкин эди.

Менинг назаримда юқоридаги ҳолатнинг бош сабаби ана шу одий мантиққа амал қилинмасликдадир. Чунки маънавиятли раҳбар эл ишончи муқаддас эканини ҳамиша ёдда тутади. Бош осмонга етганда ҳам оёқ ердан узилмаслиги кераклигини ҳис этади.

Шу ўринда "Инсоннинг қалб қуёши қандай манбадан қувват олади?" деган саволга жавоб берсак. Менимча, энг муҳим манба мунтазам ўқиш ва ўқиганларини фаҳму фаросат билан уқишда.

Яна бир муҳим нарса. Теварак-атрофидаги маънавияти юксак, қалб кўзи очиқ кишилардан ибрат олиш, уларга эргашиш. Ҳаётда адашган ёки афсус-надомат ўтида ёнаётган кишиларнинг ачинарли қисматини кўриб: "Мен шундай хатога йўл қўймаслигим керак", — деган хулосага келиш.

Бугун мамлакатимизда маънавий-маърифий ишларга жиддий эътибор берилгани боис кенг кўламли тадбирлар амалга оширилаяпти. Президентимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асари пухта заминга эгалиги билан ундаги мушоҳадалар ва фалсафий хулосалари ҳаётийлиги билан ўзига хос дастурий қўлланмадир. Бу йўналишдаги тарғибот-ташвиқот ишлари оммавий ахборот воситалари фаолиятида ҳам кенг ўрин тутмоқда. Маънавият ва маърифат кенгашларининг раҳбарлиги бежиз вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимларининг зиммасига юклатилмаган.

Юқоридаги мулоҳазалар билан биз кимгадир ақл ўргатмоқчи эмасмиз. Бу мавзуда донишмандлар мустаҳкам ҳаётий асос ва пухта мантиққа асосланган беҳисоб ривоятлар, пурмаъно ҳадислар, мақолларни мерос қолдиришган. Адибларимиз ниҳоятда гўзал асарлар битишган. Фақат уларни ўқиш, уқиш керак.

Бир сўз билан айтганда, ўқиб ибрат олса арзигулик манбалар, атрофимизда тақдирлари, фаолиятига ҳавас қилса арзигулик инсонлар ниҳоятда кўп. Гап ўқилган адабиётларни, эшитилган фикрларни ақл призмасидан ўтказиш, дилга жо этиш ва англаганларига қатъий амал қилишда қолган. Токи ҳар ким, аввало, ўзига, теварак-атрофига қалб кўзи орқали назар солсин. Борди-ю, ички дунёси хира тортган бўлса, теварак-атрофидаги ҳалол, нияти пок инсонлардан ибрат олиб, уни нурлантириб турсин.

Жаҳонгир ИСМОИЛОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

МЕРОС

Ҳайбати юракка ғулғула солгудек қоп-қора тоғлар бағридаги Тагов қишлоғининг этагида узоқ мозийларга гувоҳ тутзор бор. Қишлоқ болаларининг асосий ўйингоҳлари шу ер. Ана, ҳозир ҳам бир даврa болалар тўпланишган. Улар бугун ҳар доимгидек "жамбил" ҳам, "бештош" ҳам, "чиллак" ҳам ўйнаётгани йўқ. Бу гал ўғилқизлар икки гуруҳга бўлиниб, айтишув (навбат билан қўшиқ айтиш) уюштиришган.

«Юртингни чиндан севсанг...»

Розия момонинг беш яшар набираси Элмурод онасининг ўргатганлари эсидан чиқиб қолишидан қўрқиб кетди, шекилли, кўзларини катта-катта очиб, хиргойи қила бошлади:

Бойчегагим бойланди,
Қозон тўла айлонди.
Айлонингдан белмасанг,
Қозон-товоғинг вайлонди.

Унга даврадаги болаларнинг барчаси биргаликда жўр бўлишди:

Бойчечагим, бойчечак,
Тердим тўла бир этак.
Бойчечагим аслидир,
Баҳор фаслин васфидир.

Эрта баҳорданоқ тут шохларига шақилдоқ(бу — дарахт мевасини қушлар чўқиб кетмаслиги учун темир-терсакдан ясаладиган қўриқчи. У узун ип билан боғланиб, дарахт новдасига илиб қўйилади. Ип тортилгач, темир-терсакнинг жарангидан ҳуркқан қушлар учиб кетади)лар илиб чиқадиган Набижон ўзи яхши кўрадиган қўшиқни куйлай кетди:

Эй, ҳой, гала, эй, ҳой, гала,
Чумчуқ келади бир гала.
Менинг боғим кичкина,
Ҳу катта боғларни тала!
Эй, ҳой, гала, ҳой,
Эй, ҳой, гала, ҳой!

...Яктагини ечиб, дара четидаги кўм-кўк ясси тошга тўшаб, устига чордана қуриб ўтирган Эломон бобо болаларга алланечук ҳавас билан қараб тураркан, ўзининг болалик чоғларини ажиб энтикиш билан эслай бошлади: сочлари қирқта ўрилган, каштали рўмолини пешонасидан танғиб олган синглиси Донохон тўн тикаётганида доим бир қўшиқни хиргойи қиларди:

Мен оғамга тўн бичай,
Жума, чоршанба куни.
Уни оғам кийсинлар,
Рўза-ю, Наврўз куни.
Ўнг қабоғим учди-я,
Сочим белимга тушди-я.
Улла, булла, шу бугун,
Оғам эсимга тушди-я.

Ўшанда онаси ҳам дўппига гул сола туриб:

Дўппи тиксанг чилдирма,
Чўп-у, хасга илдирма,

— дея куйлар эди.

Болалигида ўзи ҳам подани тоққа ҳайдаётиб, овози борича, ҳайқирганича қўшиқ айтарди:

Эломон-а, Эломон,
Эчки боқиб келаман.
Шўрдан шоғол ўтдими,
Думи лойга ботдими,
Гул бутанинг тагида
Ғазал айтиб ётдими?!

Ҳа, болалик беғуборлик фасли-да. Унинг куй-қўшиқлари ҳам ўзига яраша беғубор, беозор...

Эломон бобо жуда ишонади: элнинг болалари омон экан, бу қўшиқлар ўлмайди. У бир пайтлар бобосидан эшитиб, набирасига ўргатган сўзларни бу болалар ҳам бир кун келиб авлодларга етказади. Чунки бу — халқ қўшиғи. Улар барҳаёт қўшиқлардир!

Ситора ТОЖИДДИНОВА

КУТЛОВ

«ШОВОТДОН МАХСУЛОТЛАРИ»
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

барча юртдошларни гўзаллик,
нафосат,
меҳр-муруввват байрами —
НАВРЎЗИ ОЛАМ
билан табриклайди!
Азизлар, дастурхонларингизни
маҳсулотларимиз билан
серфайз этаётганимиздан
беҳад мамнунмиз.

«БУХОРОПАХТАСАНОАТ»
ҲУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК БИРЛАШМАСИ

Она диёримизнинг
барча фуқароларини
янгиланиш,
уйғониш, поклик ва
эзгулик байрами —

Наврўз айёми

билан муборакбод этади!

Хонадонларингизга тинчлик-тотувлик,
файз-барака, баҳорий кайфият ва
бахт-саодат тилайди!

Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Бухоро Вилоят бошқармаси жамоаси



юртимиз аҳлини Наврўз айёми билан
муборакбод этади.
Наврўз элимизга
омонлик, хонадонларимизга
қут-барака, дастурхонларимизга
тўкин-сочинлик олиб келсин.
Меҳнаткаш ва яратувчан
бободеҳқонларимиз учун йилбоши
ҳар доимгидек файзли,
баракали бўлсин!

ОАТ ТУРОН БАНКНИНГ Жиззах вилояти бошқармаси

Сизларни яшариш ва янгиланиш фасли ~
Наврўз билан чин дилдан қутлайди.
Бу муборак айём барчангизнинг хонадонингизга
шоду хуррамлик, қут-барака олиб кирсин!

Иштихон тиббиёт коллежи жамоаси

ўлкамизга ўз сепини ёйиб,
мустақил Ватанимиз
хуснига-хусн қўшаётган
Наврўзи олам
билан
барча юртдошларимизни
самимий табриклайди.

ҚУТЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Давлат тижорат

ХАЛҚ БАНКИ

эзгулик ва боқий анъаналар элчиси — Наврўз байрами муносабати билан мамлакатимизнинг барча фуқароларини қизғин табриклайди. Эл-юрт фаровонлиги йўлида астойдил меҳнат қилаётган юртдошларимизга улкан муваффақиятлар ёр бўлсин!

Шодиёна кунлари Сиз учун манфаатли шартларга асосланган янги

“КЎКЛАМ-2”

ютуқли омонатини таклиф этади.
“КЎКЛАМ-2” омонат турига маблағлар жисмоний шахслар томонидан миллий валютада камида **100 000 (бир юз минг) сўм** миқдорида нақд пулда 2010 йилнинг 1 апрелига қадар қабул қилинади.

Мазкур омонатга фоиз даромади тўланиши билан бирга ютуқлар тиражи ўтказилиб, ютуқлар тиражи 2010 йил апрель ойининг иккинчи декадасида ўтказилади. Ютуқлар тиражида “Матиз” автомабили, телевизор, кир ювиш машинаси ва электр дазмол каби буюмлар ва пул ютуқлари ўйналади.

ЯРАТИЛГАН ИМКОНИЯТЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИНГ! АҲОЛИ ОМОНАТЛАРИ ДАХЛСИЗЛИГИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНГАН ! ! !

Мурожаат учун тел: 150-12-91

Хизматлар лицензияланган. Лиц №25. 25.01.2003

“Қаршипахтасаноат” ҳудудий акциядорлик бирлашмаси

ҳамюртларимизни уйғониш, янгиланиш, покланиш фасли — НАВРЎЗИ ОЛАМ билан қутлайди.



Гўзаллик ва нафосат айёми юртимизга равнақ, хонадонларимизга файзу барака, ҳар биримизга комиллик бахшида этсин!

Муқаддас заминимизга хуш келибсан, Баркамол авлод йилининг кўркам Наврўзи!

Каттақўрғон педагогика коллежи жамоаси

юртимизнинг барча фуқароларини фасллар келинчаги — баҳорнинг улуғ байрами

НАВРЎЗИ ОЛАМ

билан муборакбод этади.
Наврўз барча-барчага хуш кайфият, тинчлик-тотувлик ато этсин.
Гўзаллик ва нафосат айёми қутлуғ бўлсин, азиз юртдошлар!

Бойсун қишлоқ хўжалик ва транспорт коллежи жамоаси

барча ватандошларимизни умумхалқ байрами — Наврўзи олам билан қутлар экан, юртимизнинг ҳар бир маҳалла-ю, қишлоқларида, оилаларда тинчлик, омонлик ва фаровонлик бўлишини тилайди.
Азизлар, хонадонингиздан тинчлик-хотиржамлик, қалбингиздан қувонч, дастурхонингиздан қут-барака аримасин.

Бойсун агросаноат касб-ҳунар коллежи жамоаси



барча юртдошларимизни қадимий ва шукуҳли НАВРЎЗИ ОЛАМ билан самимий табриклайди.

Наврўз барчамизнинг хонадонларимизга фақат яхшилик, қут-барака олиб келсин!

МАДАНИЯТ

ЭРТАМИЗНИНГ УМИДЛИ ЧЕЧАКЛАРИ

(Бошланиши 1-бетда.)

Шу ўринда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кўзда тутилган таълим ва мутахассислар тайёрлаш соҳасидаги халқаро ҳамкорликка мувофиқ, лицей чет эллардаги кўпгина махсус мусиқа билим юртлари ва гимназиялар билан яқин алоқалар ўрнатганини ҳам айтиш жоиз. Лицейнинг халқаро танловларда совринли ўринларни эгаллаган 120 дан ортиқ ўқувчилари бугун Франция, Германия, Россия, Литва, Эстония, Украина, Хитой, Япония ва бошқа давлатларда бўлиб ўтган мусиқий фестивалларда муваффақиятли қатнашиб, нафақат Ўзбекистон Давлат консерваторияси, балки Осиё, Россия, Германия, Буюк Британия, Испания, Италия, АҚШдаги нуфузли мусиқий билим юртларида ўқишни давом эттириш учун йўлланмани қўлга киритдилар. Бу ёшларга ҳавас қилиб, уларнинг изидан эргашаётган ёш мусиқачиларнинг айримлари билан суҳбатлашдик.

– Ҳар гал фортепьянода бирор янги куйни чалишим билан руҳим куй сеҳридан юксалади. Болалигимдан санъатга ошно қалбимни тушунган ва ардоқлаган ота-онам, азиз устозларимдан мамнунман, — дейди лицейнинг 8-синф ўқувчиси, Зулфия номидаги давлат мукофотининг бу йилги совриндори Нодира Дадамуҳамедова. — Улар кўмагида 10 дан ортиқ халқаро фестивалларда иштирок этдим. Франция, Италия, Украина, Эстония каби давлатларнинг юқори саҳналарида кўплаб мукофотлар олишга муяссар бўлдим.

Камтарона ижодим юксак баҳоланиб, Зулфия номидаги давлат мукофотига лойиқ топилганим ҳаётимдаги энг унутилмас воқеа бўлди. Бу бахтни сўз билан изоҳлаб беролмайман. Бундай юксак ишонч ва рағбат келгусида бетакрор мусиқий асарларни ижро этишимга илҳом бағишлайди.

– 1-синфдан бошлаб, мана шу лицейда таҳсил оламан. Ижод қилиш учун илм даргоҳимизда барча шароитлар яратилган, – дейди лицейнинг юқори синф ўқувчиси, қатор халқаро танловлар ғолиби Ихтиёр Муҳаммадазизов. – Бах, Бетховен, Шопен каби жаҳон мумтоз мусиқа намояндалари яратган дурдона асарлар қаторида миллий куйларимиз, ўзбек бастакорлари яратган асарларни чалишни меҳрибон устозларимдан ўрганиб келмоқдаман. Дарсдан бўшагач, спортнинг шахмат, баскетбол тўгарагларига қатнашаман. Дамли ва зарбли мусиқа асбобларида чалган куйларим кўплаб халқаро танловларда юқори баҳоланган ўз устимда янада кўпроқ ишлашга ундайди.

Лицейнинг фахрига айланган ана шундай иқтидорли ўқувчилардан Беҳзод Абдураимов ўтган йили Англияда пианиночилар ўртасида ўтказилган нуфузли халқаро танловининг энг ёш ғолиби сифатида санъат аҳлини ҳайратда қолдирган бўлса, Нодир Ҳошимов скрипка йўналиши бўйича қатор халқаро танловларда бош совринни қўлга киритди. Бу илм даргоҳидаги саранжом-саришталик, тартиб-интизом кайфиятни кўтаради. Умумтаълим ва махсус фан хоналаридан таралган мусиқий оҳанглар жўшқин ижодий муҳитдан дарак беради.

– Бизда дарслар ҳар доим ана шундай тартибда ўтилади, – дейди лицей директори Дилдора Жамолова. – Ўқув масканимиз санъат соҳасига йўналтирилгани боис ўқувчиларимизнинг ижод қилишлари учун имконият яратилган. Кун давомида дарслар, ижодий машғулотлар бир-бирига боғланиб кетади. Болаларга умумтаълим фанлари бўйича ҳам етук билим бериш учун малакали педагоглар ва юқори мутахассисларни жалб этганмиз.

Ўз иш жараёнини дастлаб 20 нафар ўқувчига таълим беришдан бошлаган илм масканимиз йиллар ўтиб, мамлакатимизда кўзга кўринган йирик санъат даргоҳларидан бирига айланди. Мўътабар даргоҳимиздан не-не иқтидорлар етишиб чиқмади, дейсиз. Улар ҳозирги кунда ўзбек санъати равнақига муносиб ҳисса қўшиб, мусиқий маданиятимизни дунёга овоза этиб келмоқдалар. Бугун ўзбек санъатининг халқаро миқёсда ўз ўрнини эгаллашида лицейимизда тарбияланаётган ўқувчиларнинг муносиб ўрни бор. Истиқлол йилларида юздан ортиқ ёшларимиз халқаро кўрик-танловлар шоҳсупасига кўтарилгани мамлакатимизда санъат равнақига нечоғли ғамхўрлик қилинаётганидан далолат беради. Бу муваффақиятлар ўқув масканимизнинг дунёда эътироф этилган ўнта нуфузли махсус билим юртлари қаторидан ўрин олишига сабаб бўлди. Хусусан, лицей қошида фаолият кўрсатиб келаётган "Ниҳол" мукофоти совриндори "Ўсмирлар симфоник оркестри" 2006 йилда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси кўмаги билан Москвада ўтказилган «Ўзбекистон санъат кеча»сида ўз маҳоратини Владимир Спиваков дирижёрлигида тўла намоён этишга муяссар бўлди. Бундан ташқари, бир гуруҳ ёш иқтидорли ўқувчиларимиз 2004-2006 йилларда республика «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивали ҳамда «Келажак овози» кўрик-танловларининг ғолиби бўлганлари бизни қувонтиради. Айниқса, Баркамол авлод йилида мусиқа мактабимиз давлат таъмирлаш лойиҳасига киргани янада янги-янги ютуқларни қўлга киритишимизга туртки бўлишига ишонаман.

Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи дунёда эътироф этилган ўнта нуфузли махсус билим юртлари қаторидан ўрин олгани ўз-ўзидан эмас, албатта. Бунга юқори малакали педагог-мураббийларнинг тинимсиз изланишлари, юртимизда санъат ва мусиқа соҳасига бўлган эътибор, ёш авлоднинг маънавий-маданий савиясини юксалтириш йўлидаги беқиёс ғамхўрликлар самараси туфайли эришилди. Бу қутлуғ даргоҳдан ҳали яна кўплаб ноёб истеъдод эгалари етишиб чиқишига, улар юртимизнинг довруғини дунёга янада кенгроқ тараннум этишига ишонамиз.

Адиба УМИРОВА,
«Hurriyat» мухбири.

СПОРТ

ЯНГИ МАВСУМ БОШЛАНДИ

Ўтган ҳафта якунида футбол бўйича Ўзбекистон XIX миллий чемпионатининг олий лига беллашувлари бошланди.

Биринчи турда мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони "Бунёдкор" жамоаси ўз майдонида асосий рақиб - "Пахтакор" футболчиларини қабул қилди. Кескин ва муросасиз курашлар остида ўтган учрашувда (2:1) мезбонларнинг қўли баланд келди. "Андижон" жамоаси ўз майдонида "Олмалиқ" клубидан 3:2 ҳисобида устун келган бўлса, "Локомотив" футболчилари "Нефтчи" клубини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Бекободнинг "Металлург" жамоаси Зарафшонда "Қизилқум" дарвозасини бир марта ишғол қилиб, сафарда зафар қучган ягона жамоа бўлди.

"Хоразм" футболчилари эса Самарқандда "Динамо" билан 1:1 ҳисобида дуранг ўйнаб, Урганчга бир очко билан қайтди. "Насаф" (Қарши) - "Шўртан" (Ғузор) ва "Навбаҳор" (Наманган) - "Машъал" (Муборак) учрашувларида дарвозалар дахлсизлиги сақлаб қолинди.

ҲУЖУМЧИ ДИСКВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИНДИ



«Вашингтон Кэпиталс» хоккей клуби ҳужумчиси Александр Овечкин ўзининг қўпол ҳаракатлари учун иккита ўйиндан четлаштирилди. Бу ҳақда Associated Press хабар тарқатди. Ушбу ҳужумчи «Флорида Пантерс» ва Каролина Харрикейнс» жамоаларига қарши кечадиган учрашувларда майдонга тушмайди. Шунингдек, у хатти-ҳаракатлари учун жаримага ҳам тортилган.

Россиялик ҳужумчи «Чикаго Блэк Хоукс» жамоасига қарши кечган ўйинда рақиби Брайан Кэмпбеллга жиддий қўполлик ишлатган эди. Натижада Брайан Кэмпбеллнинг ўмров суяги ва қовурғаси синиб, ўйинни давом эттира олмади.

Ўйиндан кейин Александр Овечкин Миллий хоккей лигасининг расмий сайтига интервью бериб, айби йўқлигини таъкидлади. Шунингдек, у Брайан Кэмпбелл шунчаки йиқилиб тушганини ва бу хоккейга хос жараёнлардан эканини ҳам қўшимча қилди.

КУТИЛМАГАН ЖАРОҲАТ



Жорий йил Жанубий Африка Республикасида бўлиб ўтадиган футбол бўйича жаҳон чемпионатига бориши кутилаётган Англия терма жамоасининг ярим ҳимоячиси Дэвид Бэкхем жиддий жароҳатланди. Машҳур футболчи якшанба куни Италия А серияси доирасида «Кьево»га қарши ўйинда чап оёғи пайини узиб олган.

Ҳозирда Дэвид Бэкхем жарроҳлик операциясидан муваффақиятли чиқди. Шифокорларнинг айтишича, футболчи энди бир неча ой майдонга туша олмайди. Бу эса футболчининг жаҳон чемпионатига бормаслигини билдиради.

Азим РЎЗИЕВ тайёрлади

ТАҚДИМОТ

"Оҳанг шоири" ҳақида китоб

Польша парламенти жорий йилни "Шопен йили" дея эълон қилди. Бунинг боиси бор, албатта. Икки юз йил аввал бу заминда таваллуд топган Фридерик Шопен ўзининг мусиқага бўлган қобилияти билан нафақат Европа, балки бутун дунёга ном таратган буюк бастакор ҳисобланади.

"Оҳанг шоири" дея эътироф этилган бастакор таваллудининг 200 йиллиги муносабати билан Марказий Осиёда биринчи бўлиб Ўзбекистон телевидениеси муҳаррири Қосимжон Сўпиевнинг «Шопен асарлари Ўзбекистонда" номли китоби чоп этилди. Ўзбекистон давлат консерваториясида ўтказилган катта концерт дастури доирасида мазкур китобнинг тақдимоти бўлиб ўтди.

Тадбирда қатнашган Польша Республикасининг Ўзбекистондаги муваққат ишлар вакили Ежи Станкевич шундай деди: "Бу рисолада польшалик бастакорнинг жуда кўп мусиқий асарлари Ўзбекистондаги мусиқа мактабларида дарс сифатида ўтилаётганини, Шопеннинг ҳаёти, Ватанга бўлган муҳаббати ҳақида ҳикоя қилувчи лавҳаларнинг ўрин олганини ўзбекистонлик муаллифнинг миллатимизга бўлган ҳурмати, дея қабул қиламиз".

— Бугун юртимизда 300 дан зиёд мусиқа ва санъат мактаблари фаолият кўрсатаяпти, — дейди Ўзбекистон давлат консерваторияси ректори, профессор Дилора Муродова. — Бу масканларда Ф.Шопен яратган мусиқалар атрофлича ўқитилади. Қосимжон Сўпиевнинг бу китоби орқали энди болаларимиз бастакорнинг ҳаёти ҳақида ҳам кўпгина маълумотларга эга бўлади.

— Шопен мусиқаларида польяк халқининг дарду қувончлари акс этган, — деди Польшанинг Ўзбекистондаги элчихонасининг биринчи котиби Себастиан Ожел тақдимот маросимида. — Биз Ўзбекистонда ҳам юртдошимиз ижодига қизиқувчилар кўплигидан мамнун бўлдик.

Китобнинг ёзилишига туртки бўлган омиллар хусусида муаллиф шундай деди:

— Умри давомида рўшнолик кўрмаган бастакор барча орзу-умидлари, дард-аламларини ўзининг мусиқаларига жо этган. Сўз билан ифодалашнинг иложи бўлмаган инсон ҳис-туйғуларини мусиқада акс эттириш Шопен истеъдодига хос бўлган ноёб жиҳатдир. Шунинг учун бўлса керак, ярим асрдан бери унинг асарлари дунёнинг турли давлатлари қатори юртимиз мусиқа таълими масканларида ўқув қўлланма сифатида фойдаланилмоқда. Ўзбек пианиночилари Шопен асарларини ижро этиб, жаҳон мусиқа ихлосмандларини лол қолдирдилар. "Буюк пианиночи" номини олган ҳамюртимиз Алексей Султонов, Шопен асарлари ижроси бўйича Руминияда бўлиб ўтган конкурсда гран-прини қўлга киритган Нодира Дадамуҳаммедовалар муваффақияти ҳам бу китобни ёзишимга туртки бўлди.

Матёқуб НАРЗИЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. *ISSN* 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Зафар САИДОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририятга келган хатларга ёзма жавоб қайтарилади.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
e-mail: hurriyat@doda.uz
Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 **Тел-факс:** 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11
Андижон — 8-374-250-90-39
Бухоро — 8-365-592-85-02
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Тошкент — 8-370-383-97-53
Қашқадарё — 8-375-310-17-73
Сирдарё — 8-372-366-99-21
Сурхондарё — 8-376-370-12-01
Фарғона — 8-373-225-80-58
Хоразм — 8-362-224-73-33

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Иномжон АБДИЕВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 23.30

® — тижорат белгиси.

Адади: 17280 Буюртма — Г-226 17 45